БУТУН ДУН'Ё ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН ҚП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 27 (518)

7 ФЕВРАЛЬ СЕШАНБА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 тийин.

Воронеж области колхозчилари, МТС ва совхоз ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассисларининг ССР Иттифоқидаги барча қишлоқ хўжалик ходимларига

МУРОЖААТИ

Қиймматли ўртоқлар!

Воронеж областининг колхозчилари, МТС ва совхоз ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари КПСС Марказий Комитети сентябрь ва январь Пленумларининг тарихий қарорларини бажариш учун курашиб, 1955 йилда дон етиштиришни 1954 йилдагига нисбатан икки баравар, қанд лавлаги етиштиришни 2,8 баравар, кунгабоқар етиштиришни 2,9 баравар, сут соғиб олишни бирярим мартадан зиёд кўпайтирдилар, шунингдек гўшт, жун ва тухум етиштиришни ҳам кўпайтирдилар Мана буларнинг ҳаммаси областьнинг колхозлари ва совхозларига дон, кунгабоқар, қанд лавлаги, сабзавот, картошка, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш ҳамда сотиш планини муддатидан илгари анча ошириб бажариш имкониятини берди.

Бу дастлабки натижалар колхоз ва совхозлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми қарорида белгилаб берилганига қараганда, қисқароқ муддат ичида анча кўпайтириш учун ғоят катта резерврларга ва имкониятларга эга эканликларини ишончли қилиб кўрсатиб беради.

Областьнинг колхоз ва совхозлари гўшт етиштиришни, давлатга гўшт топшириш ва сотишни кескин суратда кўпайтириш соҳасида ҳам катта имкониятларга эга эди. Лекин бу имкониятлардан тўла фойдаланилмади. Шунинг натижасида областьнинг колхоз ва совхозлари гўшт етиштиришда жиддий равишда орқада қолиб келмоқдалар.

Шу билан бирга хўжаликни моҳирлик билан олиб борганда гўшт, айниқса чўчқа гўшти етиштириш ва унинг товар бўладиган қисми қисқа муддатларда кескин суратда ўсганлигини кўрсатучи ажойиб мисоллар бор.

Бобров районидаги Маленков номли колхоз 1955 йилда қишлоқ хўжалик ерларининг ҳар 100 гектарига 35,8 центнердан, Нижнедевицк районидаги «Октябрь 13 йиллиги» колхози 34,8 центнердан, Семилуки районидаги Хрущев номли колхоз 33,9 центнердан гўшт етиштирди. Павловск районидаги Ворошилов номли колхоз ҳайдаладиган ҳар 100 гектар ер ҳисобига 28,5 центнердан, Семилуки районидаги 16 партс'езд номли колхоз 27,4 центнердан, Лево-Россошан районидаги «Красний Октябрь» колхози 21,8 центнердан чўчқа гўшти олишга эришди.

Илғор совхозларда гўшт, айниқса чўчқа гўшти етиштиришда янада юксакроқ даражага эришилди. Семилуки районидаги Сталин номли совхоз 1955 йилда ҳар 100 гектар қишлоқ хўжалик ери ҳисобига 232 центнердан, шу жумладан ҳар 100 гектар ҳайдаладиган ер ҳисобига 238 центнердан чўчқа гўшти, Бутурлин районидаги «Ударник» совхози 129 центнердан гўшт, шу жумладан 144 центнердан чўчқа гўшти олди.

Совхозларда гўшт етиштиришни кўпайтиришда қандай катта имкониятлар борлигини «Масловский» совхози мисолида кўриб билиш мумкин. Бу совхозда 1954 йилда қишлоқ хўжалик ерларининг ҳар 100 гектари ҳисобига 98 центнердан гўшт, шу жумладан ҳайдаладиган ҳар 100 гектар ҳисобига 7,3 центнердан чўчқа гўшти етиштирилган, шу билан бирга чорва моллари боқиб семиртириш учун зарур бўлган концентрат емларнинг 60 процента давлатдан олинган эди. Совхоз 1955 йилда экин майдонларининг структурасини ўзгартириб ва 1311 гектар ерга маккажўхори экиб гектаридан ўрта ҳисобда 23,8 центнердан дон ҳосили олди, чорва моллари ем-хашак билан тўла та'минлади ва қишлоқ хўжалик ерларининг ҳар 100 гектари ҳисобига 126 центнердан гўшт, шу жумладан ҳайдаладиган ҳар 100 гектар ер ҳисобига 108 центнердан чўчқа гўшти олди. Бу эса давлатга гўшт топширишни 1954 йилдаги 5 минг центнердан 1955 йилда 6800 центнергача кўпайтириш имкониятини берди.

Совхоз коллективи 1956 йилда 16,2 минг центнер гўшт, шу жумладан 14,7 минг центнер чўчқа гўшти етиштиришга ёки ҳар 100 гектар қишлоқ хўжалик ери ҳисобига 300 центнердан гўшт, шу жумладан ҳар 100 гектар ҳайдаладиган ер ҳисобига 270 центнердан чўчқа гўшти етиштиришга ва давлатга топширишга қарор қилди. Совхоз ана шу миқдордаги чўчқа гўштини олиш учун даставвал, ургочи чўчқаларни бир марта болалатиб олишни кенг қўлланишни кўзда тутади. Ёш ургочи чўчқалар бир марта болалатилади, сўнгра ҳамма чўчқа болалари ва оналари гўшт учун семиртирилади ҳамда давлатга топширилади. Совхозда чўчқаларни йил бўйи лагерьларда семиртириш ташкил қилинган, ҳозирги вақтда лагерьларда бир марта болалатиладиган ургочи чўчқаларданва семиртириладиган чўчқалардан икки мингдан кўпроғи боқилмоқда.

Лекин шуни э'тироф қилиш керакки, ҳали областьнинг кўпгина колхоз ва совхозларида гўшт етиштириш даражаси паст ҳолда қолиб келади. Ўтган йили областьда 254 колхоз ҳар 100 гектар ҳайдаладиган ер ҳисобига 5 центнердан кам ва совхозларнинг учдан бир қисми 20 центнердан кам чўчқа гўшти етиштирди, умуман олганда эса областьнинг колхозлари 1954 йил 1 октябрьдан 1955 йил 1 октябрьгача бўлган даврда қишлоқ хўжалик ерларининг ҳар 100 гектари ҳисобига фақат 15,7 центнердан, шу жумладан ҳар 100 гектар ҳайдаладиган ер ҳисобига 6,2 центнердан чўчқа гўшти етиштирдилар. Колхозлар олинган чўчқа болаларининг фақат олтидан бир қисминигина семиртириб, давлатга топширдилар ва сотдилар, чўчқа болаларининг асосий қисми эса нуқул эмаданён ёшида турли эҳтиёжларга сарфлаб юборилди. Биз тушунамизки, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан та'минлашни анча яхшилаш тўғрисида партия ва ҳукумат томонидан қўйилган вазифа гўшт етиштиришни кўпайтириш тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми белгилаган тадбирларни тезроқ бажаришни талаб қилади.

Биз КПСС XX с'ездини муносиб кутиб олишга тайёрланиб ва СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1956 — 1960 йилларга мўлжалланган олтинчи бешйиллик план тўғрисидаги Директивалар проектини муҳокама қилиб, ўз имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, ва 1956 йилда колхоз ва совхозларда ҳамма турдаги гўштни етиштириш, давлатга топшириш ва сотишни 1955 йилдагига нисбатан икки баравар кўпайтирамиз, деб қарор қилдик.

Биз сут етиштиришни ҳам анча кўпайтиришни ўз олдимизга вазифа қилиб қўямиз. Ўтган икки йил ичида колхозлар ҳарбир сигирдан сут соғиб олишни 708 килограмм кўпайтирдилар, яъни сут маҳсулоти эса икки баравардан ҳам зиёд кўпайди. Ҳозирги хўжалик йилининг тўрт ойи ичида ҳарбир сигирдан ўртача сут соғиб олиш миқдори колхозларда ўтган йилнинг шу давридаги 180 килограмм ўрнига 358 килограммга етди, яъни сут маҳсулоти эса икки баравардан зиёд кўпайди. **Биз ўз имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, колхоз ва совхозларда яъни сут соғиб олишни бирярим йил ичида, я'ни 1955 йил 1 октябрьдан 1957 йил 1 апрельгача бўлган даврда икки баравар кўпайтиришга қарор қилдик.**

Энциликда биз бу вазифани бемалол уддалайоламиз, чунки областьнинг колхоз ва совхозларида ем-хашак базаси анча мустаҳкамланди.

Энг қимматли, серҳосил экини бўлган маккажўхори майдонининг анча кенгайтирилиши ем-хашак базасини мустаҳкамлашда ҳал қилучи аҳамиятга эга бўлди. 1955 йилда область колхозларида 238 минг гектар ва совхозларда 44 минг гектар ерга маккажўхори экилди ва деярлик ҳамма жойда бу экиндан мўл кўклоя ва дон ҳосили олинди. Бу эса колхозларда 619 минг тонна силос бостириш ва 212 минг тонна маккажўхори сўтасини думбиллигида консервалаш имкониятини бердики, бу билан ҳарбир сигирга ўрта ҳисобда 6,8 тоннадан силос ва чўқаларни семиртириш учун етарли миқдорда консервалаштирилган сўта тайёрлаб қўйилди. Совхозларда 162 минг тонна силос бостирилди ва 33 минг тонна сўта консервалаштирилди. Бундан ташқари, колхоз ва совхозларнинг ем-хашак балансида анча қуруқ маккажўхори дони бор.

Биз чорвачиликнинг энг тез етиладиган тормоғи бўлган чўчқачиликни ҳамма йўллар билан ривожлантиришни гўшт етиштиришни кўпайтиришнинг асосий резерви деб ҳисоблаймиз. Биз 1956 йилда колхозларда 1955 йилдаги 105,4 минг ўрнига камида 512 минг чўчқани ва совхозларда ўтган йилдаги 82,1 минг ўрнита 177 минг чўчқани семиртирмоқчимиз. Бу эса колхозларда ҳар 100 гектар ҳайдаладиган ер ҳисобига 1955 йилдаги 6,2 центнер ўрнита камида 20 центнердан ва совхозларда ўтган йилдаги 34,8 центнер ўрнига 74 центнердан чўчқа гўшти олиш имкониятини беради.

Биз ана шу миқдорда чўчқа етиштириш ва боқиш учун колхозларда мавжуд бўлган 48,5 минг ва совхозларда бўлган 5,6 минг асосий она чўчқалардан ташқари, кўкламда 70 минг ёш ургочи чўчқаларни болалатамиз ва йилнинг биринчи ярмида шу йил семиртириш ҳамда давлатга топшириш учун зарур бўлган миқдорда чўчқа болалари оламиз.

Область колхоз ва совхозлари 1956 йилда 115 мингдан кўпроқ ургочи чўчқани бир марта болалатиб, оладилар. Илғор хўжаликларнинг тажрибаси ёш ургочи чўчқаларни бир марта болалатиб олишнинг иқтисодий жиҳатдан фойдали эканлигини, уларнинг болалари таннархининг асосий она чўчқалардан олинадиган чўчқа болаларникига қараганда икки марта арзон тушишини кўрсатди.

Биз бир марта болалатиладиган ургочи чўчқалардан гўшт етиштириш учун фойдаланиш билан бир қаторда асосий она чўчқаларни кўкламда болалагандан кейин эмизиш даврида қочириш учун тегишли чораларни кўрамиз, бу тадбир ана шу она чўчқаларни одатдагита қараганда 4 — 5 ҳафта илгари яна болалатиш имкониятини беради.

Биз концентрат ем-хашак билан бир қаторда чўчқаларни ўстириш ва боқиб семиртириш учун арзон кўк ва ширали ўтлардан кенг фойдаланамиз; ҳарбир колхоз ва совхозда кўкат конвейер усулида маккажўхори, қанд лавлаги ва дуккакли ўтлар экамиз. Бу тадбир ҳар центнер чўчқа гўшти етиштиришни арзонлаштириш имкониятини беради.

Биз боқиб семиртириладиган ҳамма чўчқаларни мавжуд биноларга сиғдираолмаймиз. Шу сабабдан чўчқаларни асраш ва она чўчқаларни бир марта болалатиш учун ҳарбир колхоз ва совхозда енгил типдаги лагерьлар ва семиртириш майдончалари қурилади. «Масловский» совхозининг тажрибаси асосида ана шу оддий ва арзон биноларда чўчқаларни йил бўйи асрашни уюштирамиз. Биз семиртириладиган чўчқаларни ва бир марта болалатиладиган она чўчқаларни группа-группа қилиб боқиш ҳисобига мавжуд чўчқахоналарнинг майдонидан фойдаланишни тахминан 30 процент кўпайтирамиз. Чўчқаларни лагерьда асраш ва мавжуд чўчқахоналар майдонидан фойдаланишни яхшилаш чўчқачилик фермаларида ходимларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятини беради.

Биз чўчқа гўшти етиштиришни кўпайтириш соҳасидаги мавжуд имкониятлардан фойдаланиш билан бир қаторда, ҳарбир колхоз ва совхозда қорамолларни ва қўйларни ўстиришни, яйловда ва қўлда боқиб семиртиришни, шунингдек гўшт олиш учун парандаларни семиртиришни яхшилаймиз.

Гўшт тайёрлашни кўпайтириш, асосан, закупка нархлари бўйича давлатга гўшт сотиш планини анча ошириб бажариш ҳисобига амалга ошириладики, бу эса колхозларнинг ва колхозчиларнинг даромадларини кескин суратда кўпайтиради. Чўчқа гўшти етиштириш ҳисобига даромадларни тезда кўпайтириш мумкинлитини Павловск районидаги Ворошилов номли колхознинг тажрибаси яққол кўрсатиб турибди. Бу колхоз 1955 йилда ўртача вазни 90 — 95 килограмм бўлган 1.400 бош гўштдор чўчқани боқиб семиртириб, давлатга топширди ва сотди, чўчқачилик фермасидан 1 миллион 120 минг сўм даромад олди. Бу эса колхоз умумий даромадининг учдан бир қисмини ташкил этади.

Ҳозирги вақтда закупка ҳисобига давлатга мумкин қадар кўпроқ гўшт сотиш колхозлар учун фойдалидир. Чунки давлатга закупка тартибида мажбурият планидан 30 процент ошиқ гўшт сотилганида колхозга закупка нархининг 20 процента миқдорида пул билан устама ҳақ тўланади.

Ҳарбир колхозда, ҳарбир совхозда гўшт ва сут етиштиришни қисқа муддатларда кескин суратда кўпайтириш учун имкониятлар мавжуддир, албатта.

Биз, Воронеж областининг колхозчилари, МТС ва совхоз ходимлари, қишлоқ хўжалик муттахассислари жонажон Коммунистик партиямизнинг чақириғига жавобан, гўшт ва сут етиштириш юзасидан олтинчи бешйиллик план ҳақидаги Директивалар проектида қўйилган вазифани муддатидан илгари бажариш, чунончи: гўшт етиштиришни беш йил мобайнида эмас, балки бир йил ичида икки баравар кўпайтириш, сут етиштиришни бирярим йил ичида икки баравар кўпайтириш мажбуриятини оламиз. Дон, қанд лавлаги, кунгабоқар, картошка ва сабзавот етиштиришни янада кўпайтириш учун ҳам астойдил курашамиз.

Биз Ватанимизнинг барча қишлоқ хўжалик ходимларига мурожаат қилиб, 1956 йилда гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтириш, уларни давлатга топшириш ва сотиш, шу билан халқимизнинг озиқ-овқат маҳсулотларига, саноатнинг ҳомаш'ёга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш учун социалистик мусобақани кучайтириб юборишни таклиф этамиз. Бу вазифанинг ҳал этилиши СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1956 — 1960 йилларга мўлжалланган олтинчи бешйиллик планни муддатидан илгари бажариш учун кураш ишига қўшилган муносиб ҳисса бўлади.

Ушбу Мурожаат Воронеж областидаги колхозчилар, МТС ва совхоз ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассисларининг йиғилишларида муҳокама қилиниб, қабул этилган.

Трактор, қишлоқ хўжалик машиналари ремонтини тез ва сифатли ўтказайлик

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1956 — 1960 йилларга мўлжалланган олтинчи бешйиллик плани юзасидан КПСС XX с'ездининг Директивалари проекти барча совет кишиларини, шу жумладан областимиз меҳнаткашларини меҳнат соҳасида янгидан-янги ютуқларга илҳомлантирмоқда. Ишчилар ва колхозчилар, механизаторлар ва чорвадорлар мамлакат халқ хўжалигини янада ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиш, она-Ватанимизнинг куч-қудратини янада мустаҳкамлаш учун ҳарқачонгидан ҳам зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

Ўртасарой районидаги 1-нчи МТСнинг ватанпарвар механизаторлари барча тракторлар ва тирков машиналари ремонтини шу йил 10 февральгача тугаллашга қарор қилдилар. Улар ўз мажбуриятларини белгиланган муддатда тўла бажариш учун ремонт ишларини узел методи асосида ташкил қилиб, бу соҳада яхши натижаларга эришмоқдалар. МТС дирекцияси ва партия ташкилоти ремонтчилар ўртасида маданий-маиший хизматни яхши йўлга қўйиб, слесарьлар, токарьлар ва бошқа ремонтчи ишчилар ўртасида партия XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақани тобора кучайтирмоқда. Коллектив ремонт ишларини пухта ташкил этиб, берилган топшириқларни ошириб ва сифатли бажариш учун астойдил меҳнат қилмоқда.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари, айниқса, уларнинг авангарди бўлган механизаторлар ўз ихтиёрларига топширилган техниканинг ҳамавақт бетўхтов ва унумли ишлашига эришиш учун уни пухта тайёрлашлари, я'ни ҳозирги пайтда трактор, «универсал» ҳамда тирков машиналарини тез, юқори сифатли ремонт қилиш учун курашишлари зарур. Акс ҳолда сифатсиз ремонт қилинган «универсал» ёки сеялка экиш қизғин тус олган кунларда бир кун эмас, ҳатто бир-икки соат ҳам тўхтаб қолгундай бўлса, дала ишларининг анча кечикиб кетишига сабаб бўлади.

Бу йил областимиз колхоз ва совхозларида ўтган йилдагига қараганда анча кўпроқ ерга чигит квадрат-уялаб экилади. Бу ишни ўз вақтида сифатли ўтказмоқ учун белгиланган схемаларда чигит экаоладиган «универсал»лар, сеялкалар пухта ва сифатли ремонт қилиниши керак. Шу нарсани унутмаслик керакки, ўтган йили янги усулда ишлаш зарур бўлган «универсал» ва сеялкалар яхши ва белгиланган схемада ишлайоладиган даражада пухта мослаштирилмаганлиги учун экиш даврида ишнинг сифатсиз бўлиб қолишига, чигит экишнинг бирмунча кечикишига йўл қўйилди. Колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ўтган йили ана шу хато ва камчиликларни бу йил такрорламаслик учун ҳозирдан кадрлар тайёрлашга, тракторлар ва бошқа асбоб-ускуналарни пухта ремонт қилишга алоҳида э'тибор беришлари керак.

Квадрат — аниқликни талаб қилади. Бу ўтган йили ҳарбир пахтакорга, механизаторга аниқ ва равшан бўлди. Далаларимизда чигит белгиланган схемаларда сифатли қилиб экилмаса, ғўза парваришини ўтказиш даврида бирмунча қийинчиликлар бўлиши мумкин. Лекин кўпгина МТСларнинг раҳбарлари ҳозирги ремонт ишлари қизғин олиб борилаётган даврда буни тўғри ҳисобга олмаётирлар.

Областимиздаги бирқанча МТСларда тракторларни янги усулда ишлашга мослаштириш ҳам, уларни ремонт қилиш ишлари ҳам жуда секинлик билан олиб борилмоқда.

Гулистон районидаги 2-нчи МТСда аҳвол жуда ёмон. Бу МТСда барча хил маркадаги 45 трактордан энди 7 таси ремонт қилинган. МТС раҳбарлари кўклам яқинлашиб келаётган бўлса ҳам, ремонт ишларини тезлаштириш тўғрисида жиддий ўйлаб кўрмаётирлар. Бўка районидаги 2-нчи, Бекобод районидаги 3-нчи МТСларда ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Бу МТСларда трактор ва тирков асбобларини ремонт қилиш графиги мунтазам бажарилмай келади.

Трактор ремонтининг ўз вақтида ва сифатли ўтказилмаганлиги, бу МТСлар хизмат қилган колхозларда ўтган йили ҳам ўзининг салбий та'сирини кўрсатган эди. Лекин шунга қарамай, бу МТСларнинг раҳбарлари бу йил ҳам ўтган йили йўл қўйилган хато ва камчиликларни такрорламоқдалар.

Айрим МТСларда тракторларнинг сифатсиз ремонт қилинаётганлиги туфайли текшириш вақтида уларнинг ишга мутлақо яроқсиз эканлиги аниқланмоқда. Юқоричирчиқ районидаги 1-нчи МТСда (директори ўртоқ Қосимов) ремонтдан чиқарилган 69-нчи трактор ва 10-нчи «универсал»да текширишдан кейин, уларнинг ҳарқайсисида 7—8 тадан жиддий нуқсон борлиги, я'ни қайтадан ремонт қилиниши кераклиги ма'лум бўлиб қолди.

МТСларнинг директорлари ремонт ишларини пухта уюштириш билан бирга уни сифатли ўтказишга ҳаракат қилишлари, бунинг учун ремонтчилар иши устидан тўғри ва доимо контрольлик қилиб туришлари, йўл қўйилган хато ва камчиликларни дарҳол тузатиш учун курашишлари лозим.

Маҳаллий партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари қайта ускуналаниши ва ремонт қилиниши зарур бўлган техникани ўз вақтида тахт қилиб қўйиш учун ремонтчилар ўртасида партиямиз XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақани қарқачонгидан ҳам кучайтириб юборишлари зарур. Тракторчи кадрлар тайёрлашга, уларни янги усулда ишлашга ўргатиш — шу кунлардаги энг муҳим вазифалардандир. Устахоналарда ремонт ишларини икки сменада ташкил этиш, ҳарбир сменада ҳам ремонтчилар учун яхши иш шароити яратиб бериш МТС дирекциялари ва партия ташкилотларининг асосий вазифасидир. Областимиз механизаторлари Воронеж область механизаторларининг КПСС XX с'ездини муносиб кутиб олиш учун бошлаган ташаббусларига қўшилиб, ўз машиналарини кўклам экиш кампаниясига сифатли тайёрлашлари зарур.

Бу йил катта-катта майдонларга чигитнинг квадрат-уялаб экилиши туфайли бу ишни бажариш учун кўпгина кадрлар тайёрлаш талаб қилинади. Уларнинг бу соҳада яхши ишлашлари учун МТСлар ҳузурида ва колхозларда квадрат-уялаб чигит экишда қатнашадиган механизаторлар, колхозчилар қунт билан ўқитилиши, ўргатилиши керак.

Областимиз МТСларида трактор ремонтини ҳартарафлама кучайтириб юборишда «Глававтотракторосбит»нинг Тошкент, Мирзачўл, Пискент районларарО бўлимлари ғоят катта роль ўйнайдилар. Аммо бу ташкилотларнинг раҳбарлари ҳали ҳам МТСларга яхши ёрдам бермаётирлар. МТСлардан келган кишилар бу ташкилотлардаги ишларини битираолмай 2—3 кунлаб овора бўлиб қолмоқдалар. Бунга тезда барҳам бериш, запас қисмлар олиш учун келган кишиларнинг талабини тўла ва ўз вақтида қондириш учун барча чораларни кўриш керак .

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1956—1960 йилларга мўлжалланган олтинчи бешйиллик плани юзасидан КПСС XX с'ездининг Директивалари проектидан илҳомланган областимиз меҳнаткашлари, шу жумладан азамат механизаторларимиз техникани кўклам экиш кампаниясигача сифатли ремонтдан чиқариб қўйиш, чигит экишни шайланган ҳолда кутиб олиш учун ҳозирги кунларда яхшироқ ишлашга ҳаракат қилишлари керак. Партиямизнинг шонли XX с'ездини меҳнат соҳасида зўр муваффақиятлар блан кутиб олайлик! Барча трактор, «универсал» ҳамда тирков машиналари ремонтини тез ва сифатли ўтказиш учун курашайлик!

ШУ КУННИНГ ЯНГИЛИКЛАРИ

МТС БЛАН ПАХТАКОР КОЛХОЗЛАР ЎРТАСИДА ТУЗИЛАДИГАН ШАРТНОМАЛАРДА ЯНГИЛИК

Тошкент областидаги машина-трактор станциялари 1956 йилда қилинадиган ишлар учун колхозлар блан шартномалар тузишга киришдилар. Шартномаларда пахтачиликдаги янги агротехникани қўлланишга ва қишлоқ хўжалик процессларини механизациялаш даражасини юксалтиришга катта ўрин берилмоқда. Бу йил колхозларнинг ҳамма экин майдонларида чигит торқаторлаб экилади, экин майдонларининг учдан икки қисмида эса ғўза туплари квадрат-уялаб жойлаштирилади.

Область шароитида энг самарали бўлган 50х50 сантиметрлик схема бўйича квадрат-уялаб экиш биринчи марта кенг қўлланилади. Жумладан, Чиноз МТСи хизмат қилаётган колхозларда деярли бутун майдоннинг ярмида ғўза туплари ана шундай схема бўйича жойлаштирилади.

Пахта МТСининг коллективи квадрат-уялаб экадиган олти ва саккизқаторли сеялкаларни, шунингдек олтиқаторли культиваторларни ва чанглагич-пуркагичларни қўлланишни мўлжаллади. Бу машиналар механизаторларнинг ва колхозчиларнинг меҳнат унумдорлигини анча ошириш имкониятини беради. Бу ерда пахта ҳосили подборщиклари бўлган икки қаторли юқори унумли пахта териш машиналари блан йиғиштириб олинади.

Пахта станцияси ва Янгийўл районидаги 2-нчи станция чигит экишни ва далаларни ишлашни биринчи марта ДТ—24 маркали тракторлар блан ўтказади. Бу хил тракторлар жуда кучли бўлиб, «универсал» тракторларига нисбатан олти баравар тежамлидир.

Область пахтакорлари ва механизаторлари бу йил шартномаларда пахта етиштириш учун сарфланадиган меҳнатни 30 процент камайтиришни, пахта ҳосилини 3,5 процент оширишни кўзда тутмоқдалар.

МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАРНИНГ ЯНГИ ХИЛИ

Чирчиқ электрохимия комбинатининг коллективи КПСС XX с'ездининг Директивалари проектини муҳокама қилиб, олтинчи бешйиллиқнинг биринчи йилида азот ва комбинация қилинган ўғитларнинг янги турларини ишлаб чиқаришга қарор қилди. Концентрация қилинган минерал ўғитларнинг янги хили — аммиакатлар лаборатория шароитида биринчи марта тайёрланди. Бу хил янги ўғитлар аммиак селитрасидан сифат жиҳатидан фарқ қилиб, унда азот кўпроқдир. Шу блан бирга бу хил ўғитлар суюқ ҳолда ишлаб чиқарилади.

Бу йил аммиакатлар Ўрта Осиё республикаларининг пахта далаларида ўн минг гектар майдонда синаб кўрилади.

ТОВАР ПОЕЗДЛАРИНИНГ ЯНГИ ОҒИРЛИК НОРМАЛАРИ

Тошкент темир йўлидаги оғир юкли составларни юргизуви илғор машинистларнинг ташаббуси блан йўлнинг ҳамма томонларида юк поездларининг янги оғирлик нормаси жорий қилинди. Поезднинг оғирлиги 200—300 тонна, айрим участкаларда эса 600 тонна кўпайтирилди. С'ездоли мусобақаси кунларида рўёбга чиққан ана шу янги, прогрессив нормани кўпгина локомотив бригадалари ҳозирдаёқ ошириб бажармоқдалар. Тошкент депосининг тепловозчи машинисти ўртоқ Бирюков поездни Сирдар'ё станциясига графикдан 25 минут илгари олиб бориб, янги оғирлик нормасини 350 тонна ошириди. Старший машинистлардан Павлов, Бочаров Савостин, Обижаев ва бошқаларнинг бригадалари локомотивларнинг қувватидан юксак унум блан фойдаланмоқдалар.

Составларни янги оғирлик нормалари блан юргизиш февраль ойида январь ойидагига нисбатан 100 минг тонна кўпроқ юк ташиш имкониятини беради.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕАТРЛАРИ 1956 ЙИЛДА

Охунбобоев номидаги республика ёш тамошабинлар театрининг коллективи ёш драматург А. Раҳматовнинг «Абдулла Набиев» деган пьесасини саҳнага қўйди.

«Абдулла Набиев» пьесаси — Ўзбекистондаги драма ва музика театрларининг бу йил саҳнага қўйдиган бир юз эллиқта янги постановкаларининг биридир. Ижодий коллективларнинг репертуарлари маҳаллий ёзувчилар ва композиторларнинг асарлари блан бойимоқда. Тошкент, Самарқанд шаҳарлари ва республиканинг бошқа шаҳарларидаги театрларнинг саҳналарида А. Қаҳҳорнинг «Ҳаёт саҳифалари» пьесаси, композитор Д. Зокиров ва Б. Гиенколарнинг «Тонгда» пьесаси, П. Чепруновнинг «Қўрғонлар» пьесаси ва бошқа кўп пьесалар қўйилади.

Ҳамза номидаги ўзбек драма театри ўтгизолтинчи мавсумда Н. Погодиннинг «Кремль куранти» пьесасининг янги вариантини кўрсатади. Шу театрда Рабиндранат Тогорнинг «Ҳалокат» романи асосида ишланган инсценировка биринчи марта кўрсатилади. Шунингдек, театр Шекспирнинг «Король Лир» трагедиясини саҳнага қўяди.

Навоий номидаги ўзбек опера ва балет театрида мавсумнинг жуда қизиқарли бўлиши кутилмоқда Бизенинг «Дур изловчилар», Массенинг «Вертер», Кабалевскийнинг «Никитин Вершинин» деган асарлари ўзбек саҳнасида биринчи марта қўйилади. (ЎзТАГ).

Дипломатик корпус оқсоқоли—Швециянинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Рольф Р. Сульман жаноблари СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов ҳузурида бўлди

Дипломатик корпус оқсоқоли — Швециянинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Рольф Р. Сульман жаноблари 4 февральда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов ҳузурида бўлиб, дипломатик корпус номидан ва шахсан ўз номидан К. Е. Ворошловнинг етмишбеш ёшга тўлиши муносабати блан табриклади ва унга сиҳат-саломат бўлишни, бутун дун'ёда тинчликни мустаҳкамлаш йўлида олиб бораётган давлат ишларида янада муваффақиятлар қозонишини тилади.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов Рольф Р. Сульманга ва дипломатик корпус а'золарига бу табриклари учун ташаккур билдирди.

Қабул маросимида СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. М. Пегов ва СССР Олий Совети Президиумининг Протокол бошлиғи Г. И. Фомин ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ БЕШИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЕТТИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети шаҳар Совети депутатларига билдирадики, шу йил 8 февральда меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг бешинчи чақириқ еттинчи сессияси чақирилади.

Сессия Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг (Ҳукумат уйи) мажлислар залида соат 18 да бошланади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ.

МУСОБАҚА ИЛҒОРЛАРИ

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ва Ўзбекистон КП шаҳар комитети саноат корхоналари, транспорт ва қурилишлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1955 йил IV квартали якунларини кўриб чиқди.

Шаҳар корхоналарининг коллективлари КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларини амалга ошираборб ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX с'ездини ишлабчиқаришда муносиб меҳнат совғалари блан кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг қизитиб, янгидан-янги муваффақиятларга эришмоқдалар.

Янги техника ва илғор технологияни жорий қилиш, ишлабчиқаришдаги ички резервлардан тўла фойдаланиш учун бошланган кураш тобора кенг қулоч ёймоқда. Ишчилар, инженерлар ва техникларнинг ижодий активлиги ошмоқда. Тошкент шаҳар саноати 1955 йил IV квартал ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини 105,5 процент бажарди.

Иттифоқ ва иттифоқ-республика аҳамиятига эга бўлган корхоналар ўртасидаги социалистик мусобақада И. В. Сталин номли тўқимачилик комбинати голиб чиқди (директори ўртоқ Комков, партия комитетининг секретари ўртоқ Сергеева, фабком раиси ўртоқ Аҳмаджонов, комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ Митус). Комбинат IV квартал тошириғини барча техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича ошириб бажарди ва маҳсулот таннархини камайтириш йўли блан 1,3 миллион сўм иқтисод қилди. И. В. Сталин номли тўқимачилик комбинатининг коллективига шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи топширилди.

Тошкент шаҳридаги саноат корхоналари, транспорт ва қурилишлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1955 йил IV квартали якунлари

Маҳаллий ва кооператив саноати корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақада «Свой труд» артели голиб чиқди (правление раиси ўртоқ Аловуддинов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Махова). Артель IV квартал тошириғини ассортимент ва ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича 125,1 процент бажарди, меҳнат унумдорлигини 19,8 процент ошириди ва маҳсулот таннархини 2,4 процент камайтирди. Артель коллективига кўчма Қизил байроқ 9 Май номли артельдан олиб берилади.

Қурилиш ташкилотлари ва бинокорлик материаллари саноати корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақада Тошгорстройтрестнинг 7-нчи қурилиш бошқармаси (бошлиғи ўртоқ Федоренко, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Салоҳиддинов, касаба союз комитетининг раиси ўртоқ Гончаров) биринчи ўринни эгаллади. Капитал қурилиш юзасидан квартал тошириғи барча кўрсаткичлар бўйича ошириб бажарилди, шу жумладан — қурилиш-монтаж ишлари — 258 процент, уй-жойларни фойдаланишга топшириш плани — 264 процент бажарилди. 7-нчи қурилиш бошқармасига кўчма Қизил байроқ 4-нчи ғишт заводи бошқармасидан олиб берилади.

Ишлабчиқаришда юқори кўрсаткичларга эришганликлари учун «Поў'ёмник», ремонт-экскаватор, «Ташпродмаш», радиодеталь, «Пластскож», граммпластинка, 4-нчи ва 5-нчи ғишт заводлари бошқармаси, «Узглавшвейтрикотаж»нинг 1-нчи заводи, 1-нчи нон заводи, вагон ва тепловоз депоси, Тошкент пассажир станцияси, Қуйбишев райпромкомбинати, Тошгорстройтрестнинг 2-нчи қурилиш бошқармаси ва ҳаммаси бўлиб 51 корхона коллективи шаҳар Ҳурмат тахтасига ёзилди.

Шаҳар Ҳурмат тахтасига новаторлар ва ишлабчиқариш илғорларидан 154 киши ва шаҳар Ҳурмат китобига саноат, транспорт ҳамда қурилишлардаги илғор ишчилардан 545 киши ёзилди.

Ўртоқ К. Е. Ворошиловнинг етмишбеш ёшга тўлганлиги муносабати блан табрик телеграммалари

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиумининг Раиси

Ўртоқ Климент Ефремович ВОРОШИЛОВГА

Ҳурматли ўртоқ К. Е. Ворошилов!

Сизнинг туғилган кунингизга 75 йил тўлганлиги муносабати блан Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ва хитой халқи номидан Сизга қизғин табрикларимизни билдиришимизга рухсат этгайсиз.

Биз Сизга чин қалбимиздан сиҳат-саломатлик ва узоқ умр ҳамда буюк коммунистик қурилишдан ва бутун дун'ёда тинчликни ҳимоя қилишдан иборат бўлган ишда совет халқига раҳбарлик қилишингизда янада порлоқ муваффақиятлар тилаймиз.

Хитой Халқ Республикасининг Раиси МАО ЦЗЭ-ДУН.
Халқ вакиллари Умумхитой Мажлиси Доимий Комитетининг Раиси ЛЮ ШАО-ЦИ.
Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Премьери ЧЖОУ ЭНЬ-ЛАЙ.
1956 йил 3 февраль.
Пекин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиумининг Раиси

Ўртоқ К. Е. ВОРОШИЛОВГА

МОСКВА

Сизнинг туғилган кунингизга 75 йил тўлганлиги муносабати блан Сиз, қимматли ўртоқ Раиса, Польша Халқ Республикасининг Давлат Кенгаши номидан ва шахсан ўз номимдан энг қизғин тилаклар ва табриклар йўллайман.

Поляк халқи Сизга энг самимий муҳаббат ва миннатдорлик ҳислари блан тўлиб тошгандир. Сизни социализм иши учун огишмай курашучи деб, Совет давлатининг ва Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг отоқли раҳбарларидан бири деб, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи блан Польша Халқ Республикаси ўртасидаги қардошлик ва дўстликни мустаҳкамлаш сиёсатини изчиллик блан амалга оширучи деб юксак тақдирлайди.

Туғилган кунингизга 75 йил тўлган кунда Сизга чин қалбимдан сиҳат-саломатлик ва узоқ умр, шунингдек голибона равишда коммунизм қураётган совет халқининг бахт-саодати учун, халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш иши манфаати учун қилаётган ижодий меҳнатингизда янада катта муваффақиятлар тилайман.

Александр ЗАВАДСКИЙ.
Польша Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси.
Варшава.

ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТЕЛЕГРАММАСИ

СССР Олий Совети Президиуми Раиси

Ўртоқ Климент Ефремович ВОРОШИЛОВГА

МОСКВА. КРЕМЛЬ.

Қадрли ўртоқ Ворошилов!

Етмишбеш ёшга тўлган кунингизда Сизга дўстона саломларимни ва самимий тилакларимни йўллашга рухсат этгайсиз. Мен Сизга Германия Демократик Республикаси номидан ҳам самимий тилаклар изҳор қиламан, унинг меҳнаткашлари Сизни бу ерга келиб кетганингизда ғоят зўр шодлик блан кутиб олган эдилар. Сиз, ўртоқ Ворошилов, ҳамаерда меҳнаткаш кишилар томонидан чин қалбдан кутиб олиндингиз, чунки улар Сизни улуғ ва унутилмас Ленининнинг содиқ шогирди ҳамда сафдоши деб биладилар.

Сиз, ўртоқ Ворошилов, чор Россияси шароитида ишчи-революционер сифатида сиёсий курашнинг ҳамма формалари, тюрьма ва сургунлар орқали, Коммунистик партия раҳбарлигида пролетариат Улуғ Октябрь социалистик революциясида ғалаба қозонгунча тошли, оғир йўлни босиб ўтдингиз. Ёш Совет республикасини оқгвардиячиларнинг ва империалистик интервентларнинг зарбаларидан ҳимоя қилиш зарур бўлиб қолганда, Сиз ишчилар ва деҳқонлар давлати Қуролли Кучларининг энг ботир ташкилотчилари ва раҳбарларидан бири бўлдингиз.

Сиз Сталин блан биргаликда марксизм-ленинизмни унинг ҳамма душманларидан ҳимоя қилдингиз ва Совет Иттифоқида социализмнинг ғалаба қилиши учун шароит яратиб беришга ёрдам қилдингиз. Сиёсий курашда ва ҳарбий жангларда синалиб, Сиз бизнинг ҳаммамиз учун намуна ва устоз бўлган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг а'зоси бўлдингиз.

Сиз Давлат Мудофаа Комитетининг а'зоси сифатида Совет Ватанингизни герман фашизмининг, урушни олиб боришда вахшиёна методларни ишлатган герман фашизмининг қонли ҳужумидан мудофаа қилиш ишига ва Европа халқларини фашистлар зулмидан озод қилиш ишига ғоят катта ҳисса қўшдингиз.

Сиз урушни ва унинг ҳамма оғир оқибатларини билганлигингиз туфайли Сиз тинчлик учун ва халқлар ўртасида дўстлик учун ҳамиша астойдил ва фидокорона курашиб келдингиз ва ҳозир ҳам шундай курашчисиз. Германия Демократик Республикасининг ишчилари ва деҳқонлари, фан ва сан'ат арбоблари Сизни — халқларимиз ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашни ва барча халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни изчиллик блан ёқлаб келаётган совет давлат арбобини табриклайдилар ва ҳурмат қиладилар.

Мен Сиз қимматли ўртоқ Ворошиловга Совет Иттифоқи халқларининг бахт-саодати учун, Бутун дун'ёда тинчлик манфаати учун яна кўп-кўп йиллар сиҳат-саломатлик ва бардамлик тилайман. Сизга апа шу тилаклар ва самимий табриклар блан Сизнинг

В. ПИК.

Берлин, Нидершенхаузен,
1956 йил, 2 февраль.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиуми Раиси

Ўртоқ Климент Ефремович ВОРОШИЛОВГА

МОСКВА

Ҳурматли Климент Ефремович,

Сизнинг 75 ёшга тўлганлигингиз муносабати блан Сизга чин қалбдан саломларимни ва самимий табрикларимни юборишимга рухсат этгайсиз.

Сиз, Ленининнинг содиқ шогирди ва Сталиннинг сафдоши бўлиб бутун умрингизни ишчилар синфининг революцион идеялари галабаси учун курашга бағишладингиз. Бутун дун'ё халқларидек, Чехословакия халқлари ҳам Сизнинг давлат арбоби сифатидаги ғоят катта ишингизни, а'ни тинчлик ва халқлар ўртасида ҳамкорлик каби олийжаноб ишга хизмат қилаётган ишингизни ҳурсандчилик ва самимий ҳурмат блан кузатиб турибдилар. Қадрли Климент Ефремович, совет халқининг ва бутун прогрессив инсониятнинг бахт-саодати йўлида мас'улиятли ва самарали ишлар блан яна кўп йиллар шуғулланишингиз учун Сизга чин қалбимдан сиҳат-саломатлик ва кўп ижодий куч-ғайрат тилайман.

Антонин ЗАПОТОЦКИЙ,
Чехословакия Республикасининг Президенти.

СССР Олий Совети Президиуми Раиси

К. Е. ВОРОШИЛОВ Жаноб олийларига

МОСКВА

Раис жаноблари, Сизнинг етмишбеш ёшга тўлган кунингизда фин халқининг ва шахсан менинг самимий табрикларимни қабул қилишингизни Сиздан сўрайман. Сизга буюк Ватанингиз халқларининг бахт-саодати ва бутун дун'ё халқлари ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш манфаати йўлида сиҳат-саломат, бардам бўлишингизни ва кўп йиллар муваффақиятли ишлашингизни тилайман.

Ю. К. ПААСИКИВИ,
Финляндия Республикасининг Президенти.

Хельсинки,
1956 йил, 4 февраль.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси

Маршал Климент ВОРОШИЛОВ Жаноб Олийларига

МОСКВА

Сизнинг етмишбеш йиллигингиз муносабати блан ўз номимдан, шунингдек Австрия Республикаси номидан Сизга сиҳат-саломатлик ва Совет Социалистик Республикалари Иттифоқига гуллаб-яшнашни истаб билдирилган энг яхши тилакларни қабул қилишингизни Сиз Жаноб Олийларидан сўрайман.

Федерал Президент,
Теодор КЕРНЕР.

Вена. 1956 йил, 4 февраль.

СССР Олий Совети Президиуми Раиси

Ўртоқ Климент Ефремович ВОРОШИЛОВГА

МОСКВА, КРЕМЛЬ,

Сизнинг туғилган кунингизга 75 йил тўлганлиги муносабати блан Корея Халқ-Демократик Республикаси Олий Халқ Мажлисининг Президиуми номидан ва шахсан ўз номимдан Сизга чин қалбимдан қизғин табриклар йўллайман, В. И. Ленининнинг содиқ шогирди, И. В. Сталиннинг яқин сафдоши ва отоқли давлат арбоби бўлган Сизга коммунизм қуриш ишидаги олижаноб фаолиятингизда янада муваффақиятлар тилайман, шунингдек сиҳат-саломатлик ва узоқ умр тилайман.

КХДР Олий Халқ Мажлиси Президиумининг Раиси КИМ ДУ БОН.

Пхеньян, 1956 йил, 3 февраль.

СССР Олий Совети Президиуми Раиси

Ўртоқ Климент Ефремович ВОРОШИЛОВГА

МОСКВА

Қадрли Климент Ефремович, етмишбеш ёшга тўлган кунингизда Сизга отаҳшин саломимни ва самимий табрикларимни йўллашга рухсат этгайсиз. Сизнинг қаҳрамонона ҳаётингиз ва фаолиятингиз биз учун халққа фидокорона хизмат қилишнинг ёрқин намунаси бўлиб, марксизм-ленинизмнинг буюк голибона идеяларига садоқат намунаси бўлиб хизмат қилади. Қадрли Климент Ефремович, чин қалбимдан Сизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилаб ва улуғ совет халқининг бахт-саодати учун, тинчликни ва халқлар ўртасида дўстликни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида бузилмас совет-мўғул дўстлиги манфаатлари учун янада самарали ишлашингизни тилаб қолишимга рухсат этгайсиз.

Ю. ЦЕДЕНБАЛ
МХР Бош Министри.

Улан-Батор,
1956 йил 3 февраль.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси

Ҳурматли ўртоқ ВОРОШИЛОВГА

Сизнинг туғилган кунингизга 75 йил тўлганлиги муносабати блан вьетнам халқи, Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати номидан ва шахсан ўз номимдан Сизга энг қизғин ва самимий табрикларимизни йўллашимизга рухсат этгайсиз.

Биз Сизга сиҳат-саломат бўлиб ва узоқ умр кўриб, коммунизм қуришдан иборат буюк ишда ва бутун дун'ёда тинчликни сақлаш учун курашда совет халқига муваффақиятли раҳбарлик қилишингизни чин қалбимиздан тилаймиз.

ХО ШИ МИН, ВДР президенти.
ТОН ДИК ТХАНГ, ВДР Миллат мажлиси Доимий комитетининг раиси.

Совет Ҳукуматининг АҚШ ҳукуматига 1956 йил 4 февральда юборган нотаси

4 февральда СССР Ташқи Ишлар Министрининг Биринчи ўринбосари А. А. Громико АҚШнинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Чарльз Е. Болен жаноблари қабул қилди ва Америка ҳарбий органларининг Ғарбий Германия территориясидан, шунингдек Совет Иттифоқи блан чегарадош бўлган ба'зи давлатлар территориясида жойлашган америка ҳарбий-ҳаво базаларидан СССРнинг ҳаво масофасига шарлар учирганлиги масаласи юзасидан Совет Ҳукуматининг нотасини унга топширди.

Қуйида мазкур нотанинг тексти э'лон қилинади:

«Совет Ҳукумати Америка Қўшма Штатлари Ҳукуматига қуйидагиларни билдиришни зарур деб ҳисоблайди.

Шу йил январь ойи мобайнида Совет Иттифоқининг ҳаво масофасида диаметри 15 метргача бўлган ва турли хилдаги аппарат, асбоб ва бошқа юклар осилган кўп миқдордаги ҳаво шарлари ушлаб олинди. Мазкур шарлар полиэтилендан ясалган 1.600 кубометргача бўлган ҳажмдаги баллонлардан иборат. Ана шундай шарларнинг ҳарбирига осилган юкнинг умумий вазни 650 килограммга етади.

Совет Ҳукуматининг ихтиёрида бўлган ма'лумотларга кўра, ана шу ҳаво шарлари Америка ҳарбий органлари томонидан Ғарбий Германия территориясидан, шунингдек Совет Иттифоқи блан чегарадош ба'зи давлатларнинг территориясида жойлашган америка ҳарбий-ҳаво базаларидан учирилмоқда.

Ҳаво шарларига осилган аппаратурада жойларни аэрофотос'ёмка қиладиган ва автоматик равишда ишлайдиган фотокамералар, радиопередатчиклар, радиоприёмник ва бошқа асбоблар бор. Ушлаб олинган шарлар текшириб чиқилганда, шарларнинг ўзлари ҳам, уларга осилган аппаратура ҳам Америка Қўшма Штатларида тайёрланганлиги ма'лум бўлди. Жумладан, аппаратуранинг турли қисмларига ёзилган сўзлар ва ана шу қисмларни ишлаб чиқараётган америка фирмаларининг номлари буни исбот этади.

Америка ташкилотлари мазкур шарлардан ташқари яна СССРга қарши душманлиқ руҳида ёзилган варақалар ва пропаганда адабиёти солинган шарларни ҳам Совет Иттифоқининг ҳаво масофасига учиришни давом этдирмоқдалар.

Ма'лумки, Совет Ҳукумати америка ташкилотларининг юк осилган ҳаво шарларини Ғарбий Германия территориясидан учиришни тўхтатишлари учун зарур чораларни кўриш масаласи юзасидан 1955 йил 28 сентябрьдан АҚШ Ҳукуматига мурожаат қилган эди. Совет Ҳукумати бундай шарларнинг учириши Совет Иттифоқининг ички линияларида, шунингдек СССР территорияси ва Европадаги бирқанча давлатлар территориялари устидан ўтадиган халқаро линияларда самолётларнинг учиши учун хавф вужудга келтиради, деб кўрсатган эди.

Совет Ҳукумати шуни қайд қиладики, АҚШ Ҳукумати америка ташкилотларининг юқорида айтилган ва йўл қўйиб бўлмайдиган ҳаракатларини тўхтатиш учун шу вақтгача чора кўрмади. Хабардор совет органлари ихтиёрида бўлган ма'лумотларга қараганда, бундай ҳаво шарларини Совет Иттифоқи территорияси устида учириш тўхтатилмаган, ҳатто кейинги вақтларда янада кенг тус олган.

Юк осилган ана шундай ҳаво шарлари қайси давлатларнинг ҳаво масофаларига учирилаётган бўлса, шу давлатлар ҳам худди шу йўлга ўтиб, юқорида айтилган ғайриқонуний ишлар учун жавобгар бўлган мамлакатларнинг ҳаво масофасига учучи асбобларни учирабошлаганларида қандай аҳвол вужудга келажагини тушуниб олиш қийин эмас.

Юк осилган ана шу шарларнинг Америка ҳарбий органлари томонидан СССРнинг ҳаво масофасига учирилиши Совет Иттифоқининг ҳаво масофасини қўпол равишда бузишдир ва халқаро ҳуқуқнинг ҳамма томонидан танилган принципини бузишдир. Ана шу принципга мувофиқ, ҳарбир давлат ўз территорияси устидаги ҳаво масофасига нисбатан тамомила ва тўла суверенитетга эгадир.

Давлатларнинг ўз ҳаво масофасига бўлган бу суверенитети принципига мувофиқ ҳарқандай учучи аппаратларнинг у ёки бу давлат ҳаво масофасига учирилиши мазкур давлатнинг рухсати блангина бўлиши мумкин.

Юқорида баён қилинганларга биноан, Америка ҳарбий органларининг ана шу ҳаракатлари СССРнинг территориал дахлсизлигини бузиш бўлиб, АҚШ Ҳукуматининг БМТ Уставига мувофиқ ўз зиммасига олган мажбуриятларига хилофдир ва давлатлар ўртасидаги нормал муносабатларга асло тўғри келмайди.

Совет Ҳукумати қат'ий норозидик билдиради ва Америка ҳарбий органларининг йўл қўйиб бўлмайдиган ана шу ҳаракатларини дарҳол тўхтатиш чораларини кўришни АҚШ Ҳукуматидан талаб этади».

Чарльз Е. Болен жаноблари Совет Ҳукуматининг нотасини ўз Ҳукуматига тезликда топширажагини айтди.

Совет Ҳукуматининг 1956 йил 4 февральда Туркия ҳукуматига юборган нотаси

4 февральда СССР Ташқи Ишлар Министрининг Биринчи ўринбосари А. А. Громико Туркиянинг СССР даги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси К. Н. Кавур жаноблари қабул қилди ва Совет Иттифоқининг ҳаво масофасига ҳаво шарларини учириш учун Туркия территориясидан фойдаланилаётганлиги масаласи юзасидан Совет Ҳукуматининг нотасини унга топширди.

Қуйида мазкур нотанинг тексти э'лон қилинади:

«Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Ҳукумати Туркия Ҳукуматига қуйидагиларни ма'лум қилишни зарур деб ҳисоблайди.

Хабардор совет органларининг билдиришига қараганда, кейинги вақтларда Нахичевань ва Ереван шаҳарлари ўртасидаги районда Совет-Туркия чегараси орқали Туркия томонидан неча ўнлаб катта ҳаво шарлари Совет Иттифоқи территориясига ва унинг ҳаво масофасига учирилган. Шу ҳаво шарларининг диаметри 15 метргача бўлиб, уларда жойларни фотос'ёмка қилучи 300 килограммгача оғирликда бўлган аппаратлар, шунингдек автоматик равишда ишлайдиган радиопередатчиклар ва радиоприёмниклар ҳамда бошқа юклар осилган. СССР территориясида ушланган ва топилган шарлар текшириб кўрилганида, шарларнинг ўзлари ҳам, уларга осилган аппаратлар ҳам АҚШда тайёрланганлиги ма'лум бўлди. Жумладан, аппаратларнинг турли қисмларига ёзилган сўзлар ва ана шу қисмларни ишлаб чиқараётган америка фирмаларининг номлари буни исбот қилади.

Хабардор совет авиация мутахассисларининг аниқлашича, бундай шарлар ҳаво транспорти учун жиддий хавф туғдиради. Бу шарлар турли вақтда, ҳархил баландликда ва турли томонларга учиб, Совет Иттифоқининг ички линияларида, шунингдек халқаро линияларда учаётган самолётлар пассажирларининг ва экипаж а'золарининг ҳаётига хавф туғдиради. Хабардор совет органлари ихтиёрида бўлган ма'лумотларга қараганда, ана шу шарлар Туркия территориясидан учирилмоқда.

Юк осилган ана шундай ҳаво шарлари қайси давлатларнинг ҳаво масофаларига учирилаётган бўлса, бу давлатлар ҳам худди шу йўлга ўтиб, юқорида айтилган ғайриқонуний ишлар учун жавобгар бўлган мамлакатларнинг ҳаво масофасига учучи асбобларни учирабошлаганларида қандай аҳвол вужудга келажагини тушуниб олиш қийин эмас.

Ана шу ҳаво шарларининг Совет Иттифоқи ҳаво масофасига учирилиши СССРнинг территориал дахлсизлиги ва суверенитетига зарар етказади ва халқаро ҳуқуқнинг ҳамма томонидан танилган ва БМТ Уставида ёзилган принципларини қўпол равишда бузишдан бошқа бир парса эмас. Шу ҳаво шарларини учириш учун Туркия территориясидан фойдаланилаётганлиги бундай ғайриқонуний ишлар учун Туркия Ҳукумати зиммасига жавобгарлик юклаб қолаолмайди.

Совет Иттифоқи Ҳукумати ҳаво шарларини Совет Иттифоқининг ҳаво масофасига учириш учун Туркия территориясидан фойдаланилишига чек қўйиш чораларини кўришни Туркия ҳукуматидан кутади».

К. Н. Кавур жаноблари Совет Ҳукуматининг нотасини ўз Ҳукуматига дарҳол ма'лум қилажагини айтди.

КПСС XX с'езди шарафига

☆

Картошка ва сабзавотдан мўл ҳосил етиштирилади

ҚУЙИЛИҚ. (**«Тошкент ҳақиқати» мухбиридан**). Қорасув районидаги МТСнинг механизаторлари, мутахассислари КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Картошка ва сабзавот етиштиришни ҳамда тайёрлашни кўпайтириш тўғрисида» деб чиқарган қарорини сиёсий кўтаринки руҳ блан кутиб олдилар. Механизаторлар бу қарорни коллектив бўлиб ўқиб, ундан келиб чиқадиган вазифаларни аниқлаб, картошка, сабзавот экилари экиш ва парваришни кўпроқ механизациялаштириш блан ҳосилни ошириш учун ўз зиммаларига конкрет мажбурият олмоқдалар.

— КПСС Марказий Комитети ва Иттифоқ Ҳукуматининг қарори, — дейди МТС партия ташкилотининг секретари ўртоқ А. Зиёев, — ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Бу қарорда белгиланган тадбирларни тўла амалга ошириш районимиз колхозларида картошка, сабзавот етиштиришни тубдан яхшилайди. МТС коллективи партия ва ҳукуматимизнинг қарорига жавобан картошка, сабзавот етиштиришни кўпроқ механизациялаштириб, ҳарбир колхозда мўл ҳосил етиштиришга муносиб ҳисса қўшадилар. Биз шаҳар аҳолисига ҳарқачонгидан мўл-кўл картошка, сабзавот етказиб бериш учун янада унумли ишлаймиз.

МТС кўкламга пухта тайёргарлик кўрмоқда. 102 трактордан 98 таси ремонтдан чиқарилди. Свердлов номли колхозга хизмат қиладиган ўртоқ Бойбобоев 13 трактори муддатидан бир ой илгари, МТСда биринчи бўлиб ремонтдан чиқарди ва колхозга жўнаб кетди.

Бу йил картошка, сабзавот асосан квадрат-уялаб экилади. Бунинг учун 10 миллион дона тувакча тайёрлаш планлаштирилди. Ҳозир эртаги қарам учун 2 миллионга яқин тувакча тайёрланди.

Партия ва Ҳукуматимизнинг қарори район колхозчилари ва механизаторларини янада ғайрат блан ишлашга рағбатлантирди. Улар бу йил катта майдонларда картошка, сабзавотдан мўл ҳосил етиштириб, аҳоли ва саноатга мўл-кўл маҳсулот етказиб берадилар.

Калинин районидаги Сталин номли колхоз а'золари КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Картошка ва сабзавот етиштиришни ҳамда тайёрлашни кўпайтириш тўғрисида»ги қарорини якдиллик блан кутиб олиб, уни қизғин ма'қуллямоқдалар. **Суратда:** колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ **С. Жалилов** бир группа колхозчиларга Партия ва Ҳукуматимизнинг қарорини газетадан ўқиб бермоқда.

В. Сироткин ва **И. Глауберзон** фотоси.

Совхоз ишчиларининг аҳди

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1956—1960 йилларга мўлжалланган олтинчи бешйиллик плани юзасидан КПСС XX с'езди Директивалари проектини зўр қизиқиш блан ўрганаётган Сирдар'ё районидаги «Малик» совхозининг коллективи бу йил ҳам ўтган йилгидек пахтадан мўл ҳосил етиштириш мақсадида дала ишларини кучайтириб юборди. Ишчилар, механизаторлар фидокорона меҳнат қилиб, пахта майдонларининг асосий қисмини кузгаёқ шудгордан чиқарган эдилар. Ҳозир ана шу ерларга яхоб берилаётир. Совхоз ишчилари қисқа вақт ичида 875 гектар пахта майдонига яхоб бериб ернинг структурасини яхшилаш учун курашмоқдалар.

Шу кунларда ҳарбир бригада ва участкаларда пахта майдонларига маҳаллий ўғит чиқариш учун кураш қизиб кетди. Сўнгги ўн кун ичида ишчилар ғайрат блан ишлаб, 5 минг тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит жамғариб қўйдилар.

Шунингдек, совхозда ҳайдов тракторлари ва барча қишлоқ хўжалик машиналари ремонтини ўз муддатида тугаллаб, кўклам экиш кампаниясига тахт қилиб қўйиш учун қизғин кураш бормоқда. Илгор механизаторлардан Ж. Кўчимов, Миняев, Фозилов каби ўртоқлар кунлик нормаларини ҳар доим ортиги блан бажариб, ўзларига бириктирилган универсалларни сифатли ремонтдан чиқардилар.

З. РАҲМОНОВ.

☆

Халқимиз ҳаётий манфаатларининг ифодаси

Тошкент шаҳар, Москва район партия активи йиғилишининг қатнашчилари с'езд Директивалари проектининг катта аҳамиятга эга эканлигини та'кидлаб, унда бутун совет халқининг иродаси, ҳаётий манфаатлари тўла ифода қилинганлигини кўрсатдилар.

— Ишчилар, инженер-техник ходимлар, — деди 2-нчи пойафзал фабрикаси партия ташкилотининг секретари ўртоқ Луценко, — КПСС XX с'езди Директивалари проектини кенг муҳокама қилдилар ва уни якдиллик блан ма'қулладилар. Олтинчи бешйиллик планни муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақа кенг қизитиб юборилди. Цехларда иш унумини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш юзасидан конкрет тадбирлар белгилаб чиқилди. Янги бешйилликда кўпгина цехларимиз тўла механизациялаштирилади. Бу эса ишлабчиқаришда янгиданянги ғалабаларни қўлга киритишимизга имкон беради. Биз социалистик мусобақани қизитиб, йиллик давлат планини 5 декабрьгача бажариш мажбуриятини оламиз.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари ўртоқ Волков ўз сўзида олтинчи бешйилликда пахтачиликни ривожлантиришга катта аҳамият берилажагини айтди.

Ўзбекистон давлат проектлаш институти партия ташкилотининг секретари ўртоқ Шчербаков проектлаш ходимлари қурувчилар блан ҳамкорликда ишлаб, уй-жой, маданий-маиший binolar қурилишини тезлаштириш юзасидан конкрет мажбурият олганликларини билдирди.

Партия активининг йиғилиши КПСС XX с'ездининг олтинчи бешйиллик план юзасидан Директивалари проектини қизғин ма'қулладилар.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

Маҳалла комиссияси ишларига э'тибор кучайтирилсин

Пойтахтимизда бирқанча маҳалла бўлиб, уларда фабрика, завод ва муассасаларга уюшган ишчи, химатчилардан ташқари кексалар, ёшлар, кўпгина уй-рўзғор ишлари блан шуғулланучи аёллар яшайдилар. Улар ўртасида ҳам тарбиявий ва оммавий-сиёсий ишларни уюштириш жуда катта аҳамиятга эга. Лекин бизнинг тўртинчи Тахтапул маҳалламизда бу соҳада ҳеҳқандай амалий иш қилинмаётир. Бунга маҳалла комиссияси ва Октябрь район ижроия комитети айблидирлар.

1954 йилнинг октябрида сайланган маҳалламизнинг собиқ комиссияси (раиси А. Тўлаган Хўжаев, секретари Пўлатов ўртоқлар) аҳоли ўртасида оммавий-сиёсий ва маданий- оқартув ишларини жонлантириб, ишни планли равишда уюштириб олиб борган эди. Маҳалла аҳолиси учун ойида 2—3 марта лекция ўтказилар, врачлар маслаҳати уюштирилар эди. Комиссия кенг актив оммасига эга бўлиб, ўз фаолияти даврида маҳалла учун клуб очишга муваффақ бўлди, деворий газетанинг етти сонини чиқарди. Маҳалла комиссияси активлари клубда ва бевосита аҳоли ўртасида газета ва журналлардаги ҳабарларни ўқишни ташкил этиб, бизни партия ва ҳукуматимизнинг сиёсати блан, халқаро аҳвол блан таништириб турар эдилар. Маҳалла комиссиясининг олиб борган ана шу ишлари ўзининг самарали натижаларини берди.

Лекин бизга ма'лум бўлмаган сабабларга кўра, район ижроия комитети маҳалла комиссияси составини ўзгартишга кириш-ди. Чунки маҳалла комиссияси ижроия комитет олдига маҳалланинг ободончилиги блан боғлиқ бўлган масалаларни кўнгаланг қилиб қўйди ва уни амалга оширишини талаб этди.

Хуллас, бундан уч ой олдин ишчан маҳалла комиссияси ҳисобот бериб, унинг ўрнига янги состав сайланди. Лекин унинг раиси ҳалигача белгиланмади. Ана шундан бери бу комиссия бирорта амалий иш қилгани йўқ, яхши йўлга қўйилган оммавий-сиёсий ва маданий-оқартув ишлари тўхтаб қолди, клуб ҳам ёпилди. Комиссия идораси кўпинча ёпиқ бўлади, справкага имзо қўйдириш учун келган кишилар на раис ва на секретарьни топаолмай овора бўлмоқдалар.

Маҳалла аҳолиси ишнинг шу тариқада уюштирилганидан норози бўлмоқда. Биз бу ҳаҳда район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Шукуровга ва раис ўринбосари ўртоқ Красновга кўп марта мурожаат қилиб, маҳалла ишини яхшиланца ёрдам беришларини сўрадик. Лекин улар бизнинг талабимизга қулоқ ҳам солганлари йўқ. Ўртоқ Краснов район Советига бизнинг маҳалладан депутат қилиб сайланган, биз унга овоз берганмиз, ишончимизни билдирганмиз. Аммо, у маҳаллада олиб борилаётган ишлар блан, унинг ободончилиги ва маданий-маиший ҳаёти блан бирор марта ҳам қизиқиб кўрмади. Бизнинг ҳақли талабларимизга нисбатан эса бюрократларча муносабатда бўлмоқда.

А. УМАРОВ, Т. ИМИНОВ, Р. ҚОСИМОВ, А. ОБИДОВ, У. ҚОСИМОВ.

СИЗ КЎКЛАМГА ҚАНДАЙ ТАЙЁРЛАНМОҚДАСИЗ?

* *

Трактор ва сеялкаларни тез ва сифатли ремонт қилиш, уларни янги усулда ишлашга пухта мослаштириш муваффақиятимиз гаровидир

Ўртачирчиқда кўкламга тайёргарлик суст бораётир

Ўртачирчиқ районидаги Куйбишев номли колхоз а'золари ўтган йили кўкламга пухта тайёрланганликлари учун чигитни қулай фурсатда, сифатли ишланган ерларга экиб олган эдилар. Бу колхоз пахтакорлари 1956 йилда ҳам дала ишларига эрта киришдилар. Шу кунларда колхозда бўлган қиши экиш кампанияси бошлангунча барча тадбирларни амалга ошириш учун бирдамлик блан курашилаётганлигини кўради. Ҳозирги вақтда иккита юк машинаси, 26 та бричка блан далага маҳаллий ўғит чиқарилмоқда. Бу ишга ўртоқ О. Маматқулов раҳбарлик қилаётир. Комсомол-ёшлардан иборат маҳаллий ўғит тайёрлаш бригадаси бу соҳада алоҳида намуна кўрсатаётир. Ҳозиргача бригадаларда далага 6 минг тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит ташиб чиқарилди, давлат томонидан берилган беш юз тонна минерал ўғит ўз вақтида ташиб олинди.

Колхозчилар ўртасида меҳнат яхши ташкил этилганлиги, ўзаро социалистик мусобақа байроғи баланд кўтарилганлиги, колхоз правлениеси ва бошланғич партия ташкилоти томонидан контрольлик ва талабчанлик кучайтирилганлиги сабабли 4800 метр ариқ ва зовур тозалаш ишлари тамомланди. Шунингдек, 37 та бричка-арава ремонтдан чиқариб қўйилди, 94 та борона, 26 та культиватор ва бошқа қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари сифатли ремонт қилиниб, мавсумга тахт қилиб қўйилди.

— Кўклам яқин,—дейди колхоз раиси ўртоқ Р. Йўлдошева, — ҳозирги кунинг ҳарбир соати ганимат. Агар биз, ана шу муҳим ишларни ўз вақтида бажараолмаганимизда эди, эрта-индин экиш кампанияси бошланган вақтда қайсибир ишни қилишни билолмай, шошилиб қолган бўлар эдик. Колхозчиларимиз мўл пахта ҳосили учун замин тайёрламоқдалар.

Аммо, райондаги кўпгина колхозларда бу муҳим соҳаларга етарли э'тибор берилмаётир. Айрим колхоз правлениелари ва бошланғич партия ташкилотларининг раҳбарлари ҳозирги ганимат кунларнинг қадрига етмаётирлар. Колхозчиларни дала ишларига тўла сафарбар этиш, улар ўртасида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, маҳаллий ва минерал ўғитларни тайёрлаш, ариқ ва зовурлар ғазиш ишларини кучайтириб юбориш э'тибордан бутунлай четда қолмоқда.

Райондаги Каганович номли, Карл Маркс номли, Максим Горький номли колхозларда йўл қўйилаётган хато ва қамчиликларни бунга яққол мисол бўлаолади.

Каганович номли колхозда (раиси К. Власов, бошланғич партия ташкилотининг секретари А. Колонов ўртоқлар) маҳаллий ва минерал ўғитларни далага ташиб чиқариш ишларига ўтакетган даражада совуққонлик блан қаралаётганлиги сабабли пахта майдонларининг кўпчилик қисми ўғит сепилмаган ҳолда шудгор қилинган. Шу кунгача эса планлаштирилган 1000 тонна маҳаллий ўғитдан, фақат 400 тоннаси далага ташиб чиқарилган. Давлатдан олиниши лозим бўлган 660 тонна минерал ўғитдан эндигина 196 тоннаси ташиб келтирилган. Бу ҳақда колхоз агрономи ўртоқ Ц. Болтркувич блан суҳбатлашиб қолсангиз, у бепарволик блан «кун бироз юмшасин, кейин ташиб олаверамиз», деб бамайлихотир жавоб беради.

Колхоз а'золари шу кунгача пахтачилик бригадаларига бириктиб қўйилган эмас, колхоз раҳбарлари ким қаерда, қандай иш блан шуғулланаётганлигини билмайдилар. Шу нарса ачинарлики, белгиланган план бўйича тозаланиши ва қазилиши лозим бўлган 8 минг метр ариқ ва зовурдан эндигина 2 минг метридаги ишлар бажарилган. Ҳозир эса бу ишлар бутунлай тўхтатиб қўйилган.

Ери-ерига туташ Куйбишев номли колхознинг азамат пахтакорлари 4800 метр ариқ ва зовурни ўз вақтида тозалаб ва қазиб бўлибдилар-у, нега Каганович номли колхознинг ариқ ва зовурлари ҳозиргача тозаланмайди?!

Шунингдек, колхозда қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари ремонтига ҳам бефарқ қаралмоқда. Мавжуд 11 бричка-аравадан эндигина 4 таси, 40 боронадан 18 таси ремонт қилинди, от культиваторларини ремонт қилиш ишига эса ҳалигача киришилгани йўқ. Бундай аҳвол Максим Горький номли, Карл Маркс номли колхозларда ҳам давом этмоқда. Ҳар иккала колхоз раҳбарлари ҳам ўтган йили бу соҳада йўл қўйилган хато ва камчиликлардан тўғри хулоса чиқараолмаётирлар. Бу колхозларда маҳаллий ва минерал ўғитларни ўз вақтида ташиб олиш, ариқ ва зовурларни тозалаш ишларига қанчалик бепарволик блан қаралаётган бўлса, қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналарини ремонт қилишга ҳам шунчалик совуққонлик блан қаралмоқда. Максим Горький номли колхозда планда белгиланган 2450 ўрнига 300, Карл Маркс номли колхозда 4200 ўрнига 200 тонна маҳаллий ўғит ташиб олинган, холос. Ҳар иккала колхозда ҳам давлат томонидан берилган минерал ўғитларни ташиб олишга э'тибор берилмаётир, ариқ ва зовурларни тозалаш ва қазиш ишлари эса шу кунга қадар бошланган эмас.

Район партия ҳамда совет ташкилотларининг раҳбарлари кўклам экиш кампаниясига тайёргарлик кўришда йўл қўйилаётган ана шундай хато ва камчиликларни тезда бартараф қилиш чораларини кўришлари, қолоқ колхозларни илгор колхозлар блан тенглаштириш учун курашишлари, кўклам экиш кампаниясига тайёргарлик кўриш ишларини кучайтириб юборишлари керак.

У. СИДДИҚОВ,
У. ЖОНГИТОВ.

«Тошкент ҳақиқати» ва «Меҳнат йўли» газеталарининг рейд бригадаси.

Тошкентдаги қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш техникумини бу йил 350 дан ортиқ киши битириб чиқади. Улар МТС, МЧС, МЭСларга техник-механик, электрик бўлиб борадилар. Суратда: техникумнинг 3-нчи курс студентларидан (чапдан) **Нодиров, Давлатқиличов, Сафаров, Пиҳамирқулиевлар** инструктор ўртоқ **М. Вдовкин** (ўнгда) раҳбарлигида торқаторлаб чигит экиш усулларини ўрганмоқдалар.

В. Салов фотоси.

Кўкламга пухта тайёргарлик кўрилмоқда

Ўртасарой районидаги «Полярная звезда» колхозининг азамат пахтакорлари ўтган йили мўл ҳосил етиштирдилар. Бу йил мўл ҳосил етиштириш учун курашаётган ва партиямиз XX с'езди шарафига ўзаро социалистик мусобақани кучайтириб юборган звено, бригада пахта далаларида, шунингдек колхоз устаханаларида барча ишлар жадал сур'ат блан олиб борилмоқда. Далаларга маҳаллий ва минерал ўғитлар ташиб чиқариш, ариқ ва зовурларни тозалаш, қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналарини сифатли ремонт қилишга барча куч тўла сафарбар этилган.

Шу кунларда 20 арава, 3 юк машинаси далага ўғит ташимоқда. Колхоз бўйича планлаштирилган 3700 тонна маҳаллий ўғит, давлат томонидан берилган 400 тонна минерал ўғит ўз вақтида ташиб олинди. Ариқ ва зовурларни тозалаш ишлари 75 процент миқдорида бажарилди. Борона, культиватор каби қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари тўла ва сифатли ремонтдан чиқарилиб қўйилди.

Кўкламги дала ишларини уюшқоқлик блан ўтказишда ўтган йили гектаридан 36 центнердан ҳосил олган Ким София, 28 центнердан ҳосил етиштирган Ҳолмат Бойжигитов ўртоқлар бошлиқ бригада а'золари, айниқса, яхши натижаларга эришмоқдалар. Ҳозир бу бригадаларда далага плондан ташқари қўшимча маҳаллий ўғит ташилмоқда.

Колхозда бу йил 630 гектар пахта майдонига квадрат-уялаб, 370 гектар ерга торқаторлаб чигит экилади. Илгор звено ва бригада бошлиқлари механизаторлар блан биргаликда машғулотларга мунтазам қатнашиб, малакали агрономлар ва тажрибали пахтакорларнинг лекцияларини, суҳбатларини тингламоқдалар.

Кўрилаётган ана шу тадбирлар пахтадан мўл ҳосил етиштиришга гаров бўлаолади.

Ж. УСМОНОВ.

Узел методида ишлаш яхши натижа бермоқда

Янгийўл районидаги 1-нчи МТС коллективи Воронеж область механизаторларининг мурожаатини қизғин ма'қуллаб, унга амалий иш блан жавоб бермоқда. МТС ишчилари, хизматчилари ҳамда қишлоқ хўжалик мутахассислари кўклам экиш кампаниясини пухта тайёрлик блан кутиб олиш мақсадида ремонт ишларини узел методи асосида олиб бормоқдалар. МТС коллективи партиямиз XX с'езди очилиш кунини барча трактор, сеялка, «универсал» ва тирков асбобларини тўла ремонтдан чиқариш блан кутиб олишга аҳд қилган эдилар. Ана шу мақсад блан фидокорона меҳнат қилаётган механизаторлар 23 «универсал»ни тахт қилиб қўйдилар.

— Биз, — дейди МТС бош инженери ўртоқ Лян, — бундай муваффақиятларга ремонтни узел методи асосида олиб бораётганлигимиз натижасида эришмоқдамиз. Бизнинг устаханамиз керакли асбоб-ускуналар блан етарлича та'минланган. Устахананинг ўрта қисмида темир йўл изларига аравачалар ўрнатилган, ана шу аравачаларда трактор моторлари ва оғир қисмлари осонлик блан бир ердан иккинчи ерга олиб борилади.

Механизаторлардан А. Постников, Р. Жатиқо, Б. Жумиқов ўртоқлар социалистик мусобақа асосида ғайрат блан меҳнат қилиб, смена топшириғини 120—130 процентга етказиб бажармоқдалар.

Ҳозир МТС механизаторлари олган мажбуриятларини шараф блан бажариш учун ғайратларига-ғайрат қўшиб, астойдил меҳнат қилаётирлар.

И. АҲМЕТОВ.

Мўл ҳосил учун курашмоқдалар

Сирдар'ё районидаги Ворошилов номли колхознинг а'золари ўтган йили механизация кучидан тўғри ва унумли фойдаланиш, агротехника фани ютуқларини кенг қўлланиш орқали пахтадан мўл ҳосил етиштиришга эришдилар, пахта майдонининг ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил олиб, давлатга топширилди.

Азамат пахтакорлар ўтган йили ўзлари эришган муваффақиятларни мустаҳкамлаш мақсадида бу йил ҳам кўклам тараддудини эрта бошлаб юбордилар. Шу кунларда кузда тўла шудгор қилинган пахта майдонларига яхоб берилмоқда. Минерал ва маҳаллий ўғитлар ташиш ишлари кучайтириб юборилди. Колхозда ҳозирги кунининг муҳим вазифаси бўлган ариқ ва зовурларни тозалашга ҳам алоҳида э'тибор берилмоқда.

Бу йил ҳам ўтган йилдагидек мўл ҳосил олиш учун курашаётган Тарас Шевченко номли, Охунбобоев номли, Ильич номли, Каганович номли колхозларда ҳам дала ишлари кундан-кунга авж олдирилмоқда.

Н. САИДОВ,
А. МУҲАМЕДОВ.

Тоғ этакларида

(Йўл хотиралари)

Узоқ-узоқлардаги оқбошли тоғлар, пастбаланд адрлар, поёнсиз яйловлар, водиларга назар ташлаймиз. Қиш қуёшининг кучсиз нури оппоқ қорга саччилиб кўзларни қамаштиручи акс шу'ла сочади.

Машина илгарилаган сари янги-янги манзаралар намоён бўлади. Тоғ бағрига жойлашган кичик-кичик қишлоқлар, кенг водийнинг уер-буерига гарам қилиб қўйилган пичанлар кўз олдимиздан киноленталаридек лип-лип ўтиб туради.

Кўкда онда-сонда қушлар учиб ўтади. қор устига қуёнлар из ташлаб кетган. Йилқилар, қўйлар, сигирлар, эчкилар емхашаги мўл-кўл бўлган иссиқ қўраларда, отхоналарда, сигирхоналарда боқилмоқда.

— Бойқозон деган жойимиз шу, сигирчилик фермамиз шу ерга жойлашган, — деди колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Миробид Мирмуҳамедов ва кенг водига ишора қилди.

Бу ерда чорва моллари учун янги типда бинолар қурилган, чорвадорларнинг чиройли уйлари ана шу водига ҳусн бўлиб тушган. Махсус чуқурлардан 3 — 4 киши силос олмоқда. Сигирлар молхона ёнидаги офтобрў айвонга боғлаб қўйилган. Бу ерда қизғин иш палласи. Биров соғилган сутни ташиб кетаётган бўлса, бошқа кишилар молларнинг тагини тозалаш блан банд.

Бу ерда «Коммуна» колхозининг 67 та сигири қўлда боқилмоқда. Ўртоқ Мирзамуҳамедов сигирларни қўлда боқиш ўтган йили яхши натижалар берганлигини, 67 сигирнинг ҳарбиридан 900 литр ўрнига 1053 литрдан сут соғиб олинганини ҳикоя қилабошлади. Ферма мудири ўртоқ Мирмуса Мирсаидов бизни сут соғучилар блан таништирди. Сулуқиз Тўроновa ўзи парвариш қилаётган сигирларни кўрсатар экан:

— Менинг ихтиёримда 11 та сигир бор, уларнинг ҳарбиридан 1212 литрдан сут соғиб олдим, — деди.

Шу фермадаги Антонина Абрамова, Салтанат Мирзабоева каби сут соғучиларнинг молларн ҳам семиз, «Ромашка», «Тамара» деган зотли ва говмуш сигирлари бор. Улар сигирлардан ўртача 1342 — 2270 килограммдан сут соғиб олганлар. Умуман бу фермада плондаги 135 бузоқ ўрнига ўтган йили 150 бош бузоқ олинган.

— Отзимиз оқариб қолди, — дейди кулиб ферма мудири Мирсаидов, — яқинда сигирларимиздан 10 таси туғди. Ўртоқ Ўрин Норматовaнинг янги туққан бир сигири шу кунларда 17,5 литрдан сут берапти.

Бойқозондан ғарб томонга кетаберсангиз, оппоқ бинога дуч келасиз. Ўтовга ўхшаган бу юмалоқ бинонинг ўртаси очиқ. Гир айланаси айвон, ўртасидан сув ўтади. Риза Муждабоев боқаётган қўйлар мана шу кўрага жойлашган.

Бу ердаги тартиб, озодалик ҳарбир нарсанинг ўз жойида тартиб блан турганлиги чўпоннинг дилни йигит эканлигини, ўз ишига муҳаббат блан қарашини яққол кўрсатиб турарди.

Сергайрат Риза Муждабоев «Коммуна» колхозининг тажрибали чўпони экан. У, 1955 йилда 256 совлиқдан 283 қўзи олиб, уларнинг ҳаммасини омон сақлаб қолди. Унинг қўйлари семиз, соғлом. Ҳарбир қўйдан 1,6 килограммдан жун қирқиб олинди. Шунинг учун колхоз правлениеси ўртоқ Муждабоевни 13 та қўзи блан мукофотлапти. Биз борганда у қўйларни қўрадан ҳайдаб чиққан экан. Партия ташкилотининг секретари қўйларга разм солгач:

— Қачон ҳайдадингиз? — деб сўради.

— Ҳозиргина, ҳайдадим олдин яхшилаб тўйдириб олдим. Шундай қилинмаса совлиқлар қор ялаб, бола ташлаб қўяди... Қирдан ошган эдик, кенг води намоён бўлди. Бу ер Ёйилма деб аталаркан. Ёзда бу ерда пода-пода сигирлар, тўда-тўда йилқилар ўтлайди. Ҳозир бу ерлардаги ўтлар илдизи қор-ёмғир сувини шимириб, семирмоқда, ширали силос шу ўтлардан босилади-да... Ёйилманинг ўрта қисмига ветеринария пункти жойлашган. Куз фаслида ҳам шу ерларда бўлган эдик, у вақтда чўпонлар, ветеринария пункти ходимлари совлиқ қўйларни сун'ий усулда қочираётган эдилар.

Пункт орқасидаги панжара ўртасида 7 та зотли линкольн қўчқори айланиб юрипти, Уларнинг ҳарбири 100 килограммгача келади. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг аспиранти ўртоқ Йўлдош Қурбонов шу ерда илмий-текшириш ишлари олиб бормоқда эди. У, ўзи олиб бораётган илмий-текшириш ишлари тўғрисида завқ блан сўзларди:

— Линкольн қўчқорлари сергўшт, сержун бўлади. Оддий қўйлардан кўп деганда икки килограмма етказиб жун олинса, шу колхозидаги 44 бош линкольн зотли қўйнинг ҳарбиридан 5200 — 5400 граммдан жун қирқиб олинди. Айригмларидан эса 7 килограммгача жун қирқилди.

Ўртоқ Қурбонов «Коммуна» колхозида линкольн зотли қўйларни кўпайтириш учун катта ишлар қилинаётганлигини, линкольн қўчқорларидан сун'ий усулда 1200 та жайдари совлиқ қочирилгани ҳақида гапириб берди.

«Коммуна» колхозида сигир, қўй, эчки ва отларнинг зотини яхшилаш учун, чорвадан олинадиган маҳсулотни кўпайтириш учун, чорвачилик планини тўла ва ошириб бажариш учун қизғин кураш олиб борилмоқда. Ҳозир бу колхозда майин жунли зотли «Ўзбекистон» эчкисининг сони 400 га етди. Оддий эчкилардан 400 грамм жун олинса, бу эчкидан 600 граммдан, 115 катта эчкининг ҳарбиридан 2 — 2,5 килограммдан жун олинмоқда. Колхозда КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорлари изчиллик блан амалга оширилмоқда. Колхозда 1955 йил чорвачилик плани ошириб бажарилди. Қорамол, йилқи, қўй, эчки планда белгилангандан 260 бош ошди. Товуқлар 1360 га кўпайди. Колхозда гўшт, сут, жун тайёрлаш планлари ҳам муваффақиятли бажарилди. Колхоз ихтиёрий равишда давлатга чорва маҳсулотлари сотгани учун 2 та машина олди.

Биз йўл-йўлакай чорва қишлови ҳақида суҳбатлашиб бордик:

— Бу жиҳатдан «Коммуна» колхозининг иши чакки эмас, — дейди райкомнинг МТС зонаси бўйича секретари ўртоқ Мирзакаримов, — масалан, колхознинг 700 бош корамол сигадиган 12 та молхонаси, қўйлар қишлайдиган 9 та қўраси, 1 та чўчқахонаси, 3 товуқхонаси бор.

— Чорванинг қишлови учун тайёрланган ем-хашагимиз ҳам етарли. 1113 тонна беда, 1010 тонна пичан, 890 тонна сомон, 752 тонна силос, 774 центнер ҳархил ем ва кунжара тайёрлагамиз, — дейди партия ташкилотининг секретари ўртоқ Нурмуҳамедов

Дарҳақиқат, бу колхозда чорва қишловига яхши тайёргарлик кўрилганлиги ҳарқадамда сезилиб турипти. Сигир боқучилар, чўпонлар, пичан ташучи туякашлар ўзларига топширилган вазифани — чорва моллариии қишдан соғ-омон олиб чиқиш учун астойдил ишламоқдалар.

Машина Паркент район марказидаги «Коммуна» колхози идорасига йўл олди. Йўлда қатор туя карвони кўринади. Мирюсуф Миротаев бошлиқ туякашлар туяга ортилган пичан устида ўтириб бешик-бешик силкиниб борардилар. Юзларни, бурунларни ачитучи тоғнинг изгирин шамоли эсади. Броқ, тумоқларини яғи тагидан боғлаб олган туякашлар гўё ҳечнарсани сезмагандай, узоқ қишловга ошиқаётирлар. Улар колхознинг Қизилсув участкасидан Бойқозонга, Ёйилмадаги сигирларига, қўйларига пичан ташиб етказишлари керак.

Биз қишловдан қайтиб келмоқда эдик. Чорвадорларнинг уйларидан ёқимли мусиқа садолари янграб эшитилади, кўнгилга ҳузур бағишловчи музика садолари атрофга қанот ёзарди. Чорвадорлар яғи куч, янги ғайратга тўлган ҳолда қишловни муваффақиятли ўтказиш, қалин қорли, қаттиқ совуқ, серёмғир кунларда ҳам чорвани соғлом боқиш учун, колхоз моллариии кўз қорачиғидек сақлашга чин кўнгилдан ҳаракат қилардилар.

Босит ХАЛИЛОВ,

Паркент районн.

Облоно ва қишлоқ мактаблари

КПСС Марказий Комитети Пленумлари қарорларидан кейин область халқ маорифи бўлими қишлоқ мактабларига раҳбарликни бирмунча яхшилади, умумий-мажбурий та'лим ҳақидаги Қонунни бажариш, ўқув-тарбия процессини тўғри ташкил этиш масалалари блан яқиндан шуғулланадиган бўлиб қолди. Халқ маорифи Советининг фаолияти ҳам анча активлаштирилди. Совет район халқ маорифи бўлимлари ва қишлоқ мактабларининг ишини яхшилашга қаратилган кўпгина муҳим масалаларни муҳокама қилди. Чуночи, шу ўқув йилининг биринчи ярмида «Бўка районида халқ маорифи ишининг аҳволи», «Пискент, Ўртасарой, Оҳангарон, Сирдар'ё ва Юқоричирчиқ районларида умумий-мажбурий та'лим Қонунининг бажарилиши», «Ўртасарой районидаги 22-нчи ўрта мактабда ўтказилган текшириш якуни» каби бирқанча масалалар муҳокама қилиниб, мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф қилиш юзасидан амалий тадбирлар белгиланди.

Бу йил областьдаги кўпгина қишлоқ мактабларининг ўқув-материал базаси мустаҳкамланди, политехника та'лимини ўқув процессига жорий қилиш соҳасида олға томон дастлабки қадам қўйилди. Илгор мактаблар ва педагогика соҳасида самарали ишлаб келаётган тажрибали ўқитучилар дарс машғулотларини янги ўқув планлари ва давлат программалари асосида ўтказиб, ўқучиларга берилаётган назарий билимларни коммунистик қурилиш практикаси блан, ҳозирги даврнинг муайян амалий вазифалари блан маҳкам боғлаб олиб бормоқдалар.

Қишлоқ мактабларида малакали инспекциялар ўтказиш ва ўқитучиларга методик жиҳатдан ёрдам беришга э'тибор бирмунча кучайтирилди. Область халқ маорифи бўлимининг инспектори С. Собитов, А. Паласкова ўртоқларнинг ташаббуси блан Оҳангарон ва Ўртасарой районларидаги мактабларда ўтказилган текшириш якунлари район Советларининг сессиялари муҳокамасига қўйилди. Сессияларда умумий-мажбурий та'лим Қонунининг бажарилиши ва ўқув-тарбия ишлари блан боғлиқ масалалар жиддий муҳокама қилиниб, мавжуд камчиликлар очиб ташланди. Шундан кейин аҳвол яхшиланди.

Область районларида ўқучиларни меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялаб, табиат фанлари ўқитишни социалистик қишлоқ хўжалиги практикаси блан боғлаб олиб бораётган илгор мактаблар оз эмас. Ўртоқ Ю. Мўминов раҳбарлик қилаётган Калинин районидаги 27-нчи ўрта мактаб коллективи ўқучиларга политехника та'лими асосларини сингдириш, уларда ишлабчиқариш кўникмалари ҳосил қилиш, меҳнатга муҳаббат туйғуларини ўстириш масаласига алоҳида э'тибор бермоқда. Мактаб ёш табиатшуносларнинг вактив иштироки блан намунали ўқув-тажриба участкаси барпо этгани учун Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди. Тошкент районидаги 5-нчи сўтийиллик мактаб (директори Шохалимов), Оржоникидзе районидаги 14-нчи ўрта мактаб (директори Михольский)ларда ёш натуралистлар ажойиб мевазор боғ вужудга келтирмоқдалар, қишлоқ хўжалик экинлари ўстиришни ва уларни муҳаббат блан парвариш қилишни ўрганмоқдалар.

Бекобод шаҳар мактабларида политехника та'лимини амалга ошириш ишлари тобора яхшиланмоқда. Молотов номидаги 7-нчи мактабда слесарьлик ва дурадгорлик мастерскойлари мунтазам ишлаб турипти, мактаб ҳузуридаги ўқув-тажриба участкасида ўқучилар қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришидаги практик малака ҳосил қилмоқдалар. Ломоносов номли 10-нчи мактабда дурадгорлик, слесарьлик ва токарьлик мастерскойлари ташкил этилган. Мактабнинг юқори синфларида қишлоқ хўжалиги, машинасозлик ва электротехника юзасидан практик машғулотлар ўтказилмоқда. Шаҳардаги кўпгина саноат корхоналари ўқув мастерскойлари ташкил қилиш ва уларни ускуналашда мактабларга оталик ёрдамини кучайтирмоқдалар.

Илгор мактабларнинг муваффақиятлари ҳақида яна кўпгина мисоллар келтириш мумкин. Лекин, шуни э'тироф қилиш керакки, халқ маорифи органлари ва мактабларимиз ишида ҳали жиддий камчиликлар бор. Областьда умумий-мажбурий та'лим тўғрисидаги Қонуннинг йилдан-йилга бажарилмай келаётгани ва камчиликларнинг энг каттаси ҳисобланади. Бунга айрим шаҳар, район ижроия комитетлари, кўпгина мактаб директорлари ҳамда қишлоқ Совети раисларининг болаларни ўқишга тўла жалб этиш тўғрисида жонкуярлик қилмаётганликлари сабаб бўлаётир. Сирдар'ё районида ўтказилган текшириш якуни шуни кўрсатдики, район Совети ижроия комитети ва кўпгина қишлоқ Советлари умумий-мажбурий та'лим ҳақидаги Қонунининг муваффақиятли бажарилиши учун мавжуд имкониятлардан фойдаланмаганлар, бу ишга депутатлар ва жамоатчилик вакиллари жалб қилинмаган. Натижада ўқиш ёшидаги болаларнинг бир қисми мактабга жалб қилинмай қолиб кетган. Юқоричирчиқ районида эса бу йил 200 дан ортиқ ўқучининг мактабга тортилмай қолганлигига асло тоқат қилиб бўлмайди.

Бирқатор районларда ўқучиларнинг, айниқса ўзбек қизларининг мактабдан кетиб қолиш ҳоллари ҳали ҳам учраб туради. Чуночи, шу ўқув йилининг биринчи ярмида Пискент районидаги мактаблардан 41 ўқучи, Оққўрғон районидаги мактаблардан 31 ўқучи мактабдан кетиб қолганлиги факти бунга яққол далилдир. Хўш, нега шундай аҳвол юз бераётир? Чунки область халқ маорифи бўлимининг ходимлари районларга борганларида қишлоқ мактабларидаги ташкилий-хўжалик ишлари блан кўпроқ шуғулланадилар-да, ўқув-тарбия ишларининг қўйилиши, умумий мажбурий та'лим тўғрисидаги Қонуннинг бажарилиши блан жиддий шуғулланмайдилар, чуқур малакали инспекция ўтказмайдилар, ўқитучиларнинг дарсларида кам бўладилар, мактаб директорлари ва район халқ маорифи бўлимлари ходимларига нисбатан қаттиқ талабчанлик қилмайдилар.

Кўп районларда мактабларнинг нотўғри жойлаштирилганлиги ва бу мактабларнинг болалар яшаб турган ерлардан узоқ жойларда бўлганлиги, уларни ўқишга жалб қилишга ма'лум даражада ёмон та'сир кўрсатмоқда. Оққўрғон районида худди ана шундай сабаб блан 32 ўқучи мактабдан четда қолган. Аҳволнинг шундайлиги сводкалардан ҳам ма'лум. Лекин бу фактлар область халқ маорифи бўлимлари ходимларини жиддий ташвишга солмаётир.

Юқоричирчиқ районидаги ба'зи мактаб директорлари район ва область халқ маорифи бўлимларининг раҳбарлари томонидан контроль қилинмаслигидан фойдаланиб, аҳволни яхши деб кўрсатишга уринмоқдалар ва ўқучиларнинг сохта рўйхатини тузиб, кўз бўямачилик блан шуғулланмоқдалар. Фактларга мурожаат қилайлик. Шу райондаги 10-нчи ўрта мактабнинг 5-нчи синф журналида Холисова, Алимбекова, Бобохонова, Сулаймонова, Суюндисова каби ўқучиларнинг номлари ёзиб қўйилган. Амалда эса улар биринчи сентябрьдан буён машғулотларга қатнашмаганлар. Улар облоно инспекторларининг назар-э'тиборидан ҳамон четда қолмоқдалар.

Қишлоқ мактабларининг ўқув-материал базасини мустаҳкамлаш юзасидан ба'зибир тадбирлар амалга оширилди, физика, химия ва биология кабинетлари лаборатория ва асбоблари, приборлар ва бошқа ўқув қуроллари блан бойитилди. Аммо, та'лим процессини ташкил қилишнинг янги принциплари қишлоқ мактабларида жуда секинлик блан жорий қилинмоқда. Бунинг сабаби даставвал шундаки, қишлоқ мактаблари, айниқса еттийиллик мактаблар шаҳар мактабларига қараганда ўқув қуроллари ва лаборатория асбоблари блан жуда кам та'минланмоқда, уларнинг кўпчилигида ўқув мастерскойлари ташкил этилмаган. Оржоникидзе районидаги 12 та ўрта мактабдан фақат 3 тасида ўқув мастерскойи бор. Юқоричирчиқ районида эса бирорта ҳам мактаб ўз ўқув мастерскойига эга эмас. Райондаги мактабларда, жумладан 7-нчи мактабда программанинг амалий машғулотлар ўтказиладиган соатларида бошқа фанлардан дарс ўқитилмоқда.

Олмалиқ шаҳридаги мактабларда ўқув процессига политехника та'лимини муваффақиятли жорий қилиш учун барча имкониятлар мавжуд. Мактабларнинг кўпчилигида ўқув мастерскойлари учун махсус бинолар ҳам ажратилган. Лекин, шаҳар мактабларида бу соҳада қилинаётган ишларни яхши деб бўлмайди. Шаҳар халқ маорифи бўлими (мудири Эшмбетов) политехника та'лими масаласини шаҳар Совети сессияси муҳокамасига қўймаган ва корхона раҳбарларининг э'тиборини бу муҳим масалага жалб этмаган. Мактаб директорлари ва ўқитучилар коллективлари мактаб мастерскойлари ва лабораториялариии станоклар, асбоб-ускуналар ва бошқа жиҳозлар блан таъминлаш тегишли даражада ташаббус кўрсатмаётирлар, оталик қилучи корхоналарнинг ёрдамидан фойдаланмаётирлар.

Ўқучиларнинг назарий билимларини мустаҳкамлаш ва уларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашда мактаблар ҳузуридаги ўқув-тажриба участкалари катта роль ўйнайди, Броқ, область бўйича 250 та мактабнинг шу вақтга қадар ўқув-тажриба участкасидан фойдаланмаётганлигига қандай баҳо бериш мумкин? Аҳвол шундай экан, кўпчилик мактабларда политехника та'лимини жорий қилишда ҳали ҳам жуда катта камчиликлар борлигига таажжубланмаса ҳам бўлади.

Область халқ маорифи бўлими, ўқитучиларнинг малакасини ошириш ва Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг педагогика фанлар илмий-текширин институтлари меҳнат тарбияси яхши йўлга қўйилган илгор мактабларнинг тажрибасини ўрганиш ва оммалаштириш масаласи блан камдан-кам шуғулланмоқдалар.

Ўқучиларнинг чуқур ва мустаҳкам билим олишларини та'мин лашда физика ва математика фанлари айниқса муҳим роль ўйнайди. Лекин, область мактабларида бу фанлардан олий ма'лумотли 120 ўқитучи етишмайди. Улар ўрнида ҳозирги вақтда кўпчилиги ўрта ма'лумотга эга бўлган ўқитучилар дарс бермоқдалар ёки айрим олий ма'лумотли ўқитучилар ортиқча дарс нагрузкаси олиб ўқитмоқдалар. Буни асло нормал бир ҳол деб бўлмайди, албатта.

Ма'лумки, мактабларда ўқитиш ва тарбия беришнинг сифати аввало ўқитучиларга боғлиқ. Область мактабларида ўқучиларга фан асосларини чуқур ва мустаҳкам ўргатаётган илгор ўқитучилар оз эмас. Лекин айни вақтда ҳали ҳам шундай ўқитучилар борки, улар ҳатто совет педагогикасининг элементар талабларини ҳам бажармаётирлар. Масалан: Олмалиқ шаҳридаги Ворошилов номли мактабнинг она тили ўқитучиси Ўртоқ Жабборов (у шу райондаги 1-нчи ўрта мактабда директор бўлиб ишлайди) ўз устида мутлақо ишламайди. дарсларга тайёрланмай келади. Ўқучилар унинг дарсида бутунлай бошқа ишлар блан шуғулланиб ўтирадилар. Жабборов ўз ишининг натижаси учун жавобгар эканлигини ҳис этмайди, улгуролмовчи ўқучилар блан ишламайди. У, ўқув йилининг биринчи ярми эсобайнида бирон марта ҳам ёзма контроль иш ўтказмаган. Шунинг учун ҳам у дарс бераётган 5 «А» синфида она тилидан атиги 28 процент ўзлаштириш берилган.

Область халқ маорифи қишлоқ мактабларини раҳбар кадрлар блан та'миилаш масаласига ҳам кам э'тибор бермоқда, ба'зан ўзларига юклатилган вазифаларни уддалайолмайдиган кишилар мактабларга директор қилиб тайинланмоқда. Бу эса бутун ўқув-тарбия ишларига ёмон та'сир қилмоқда. Масалан, Юқоричирчиқ районидаги 10-нчи ўрта мактабда ҳатто ўрта педагогика ма'лумоти бўлмаган ўртоқ Юсупов икки йилдан буён «вақтинча» директор бўлиб ишламоқда. Қачонлардир юридик институтда ўқиб, уни тамомламай кетиб қолган ўртоқ Топорков ҳам педагогика иши нималигидан мутлақо хабарсиз бўлгани ҳолда, Олмалиқ шаҳридаги Чкалов номли еттийиллик мактабда директор бўлиб ишлаётганлиги ажабланарлидир.

Бу фактлар область халқ маорифи бўлимининг қишлоқ мактабларига конкрет, оператив раҳбарлик қилмаётганлигини, шаҳар, район халқ маорифи бўлимлари ва мактаб директорлари иши устидан жиддий контрольлик ўрнатмаётганлигини, уларга нисбатан қат'ий талабчанлик қилмасдан бамайлихотирлик блан иш кўраётганлигини кўрсатади.

Область халқ маорифи бўлимининг раҳбарлари Мақсудов, Загоруйко ўртоқлар мактаблар ҳамда халқ маорифи органларига формал ва бюрократларча қоғоз орқали раҳбарлик қилишдан ҳали ҳам воз кечганлари йўқ. Инспекторлар эса районларга бориб, қишлоқ мактабларининг ишини текширганларида кўпинча жуда кўп ма'лумотлар тўплаб қайтадилар, сводкалар тузиш, ўнлаб графаларни тўлдириш блан шуғулланадилар. Сводка ва ундаги рақамлар ҳам керак нарса албатта. Лекин ма'лумотлар тўплаш, рақамларни қайд қилиш ва буйруқлар чиқаришнинг ўзигина етишмайди. Мактабларга жонли, оператив раҳбарлик қилиш керак.

А. ШЕРМУҲАМЕДОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

(«Тошкент ҳақиқати» мухбирининг Тошкент телевизион маркази қурилишининг бош инженери У. Л. Литинский блан суҳбати).

Савол: Тошкентда телевизион маркази қурилаётганлиги муносабати блан кўпгина газетхонлар редакциядан мамлакатимиздг телевидение соҳасида эришилган ютуқлар тўғрисида ма'лумот беришни сўраб ёзмоқдалар. Шу соҳанинг мутахассиси сифатида Сиз уларга жавоб берсангиз. Ҳозирги пайтда телевидение соҳасида қандай ютуқлар қўлга киритилди?

Жавоб: Москва, Ленинград, Киев, Рига, Харьков ва бошқа бирқанча шаҳарлардаги минглаб уйларда кечқурунлари меҳнаткашлар «сирли экран»нинг «кулоғи»ни бураб янги кинофильмлар ва спектакльларни роҳатланиб тамоша қилмоқдалар, машҳур ашулачи ва бадиий ҳаваскорлик тўгарак қатнашчиларининг ашулаларини роҳат қилиб эшитаётирлар, ҳаяжон блан спорт ўйинларини кўрмоқдалар. Бу қулай «сирли экран»—телевизор йил сайин тобора кенг масштабда қўлланилмоқда. Ҳозирги пайтда Тошкентдан ташқари Горький, Сталино, Тбилиси, Вильнюс, Куйбишев шаҳарларида ҳам телевидение марказлари жадал сур'ат блан қурилмоқда.

Мамлакатимизда телевизор ишлаб чиқариш тобора ривожланмоқда. Ўтган йилнинг ўзида 6000 донага яқин телевизор тайёрланди, бу йил эса бир миллионга яқин конструкцияси такомиллаштирилган телевизор-приёмниклар ишлаб чиқарилади. Яқин кунларда экрани катталаштирилган ва акс этдириш хусусияти аниқлаштирилган телевизорлар сотилабошланади. Совет конструкторлари телевединие аппаратураларининг янги-янги намуналарини яратмоқдалар, ҳозир бир квадратметр экранлик приёмник ишлабчиқарилмоқда. Бу янги телевизорлар ультра қисқа тўлқинли радиостанциялардан ҳам олиб эшитдираолади.

Савол: Телевизион эшитдиришнинг бундан кейинги перспективаси қандай?

Жавоб: Телевиден————нинг келажаги жуда порлоқ ва катта.

Олтинчи бешйилликда ҳамма иттифоқчи республикаларнинг пойтахтларида, йирик область шаҳарларида, шунингдек Сочи ва Ялта курортларида марказий телевизион станциялар қуриш белгиланган. Яқин йиллар мобайнида 40 дан ортиқ телевизион маркази қурилади.

Москва телевизион маркази ишда жуда катта муваффақиятларга эришилди. 1956 йил охирларидан бошлабоқ пойтахт ва Москва область меҳнаткашлари оқ-қора рангларда акс этдирадиган 2 та телевизион программани кўришга муваффақ бўладилар. 1958 йилдан бошлаб эса уч программа я'ни оқ-қора ва рангли кўрсатиш программаларини тамоша қиладилар.

Мамлакатимизнинг бепоён территориясини марказий телевидение программаси блан та'минлаш ҳамда шаҳарларарО программа алмашиб туриш учун телевизион узатиш масофасини узайтириш проблемасини ҳал этиш зарур. Ҳозир бу проблемани ҳал қилишнинг бирнеча усуллари ишлаб чиқилди. Бу соҳада ишлаётган олимлар телевизион сигналлар узатиш масофасини радиореле станциялари ёрдами блан узайтириш устида ишламоқдалар.

Яқин вақтлар ичида мамлакатимизнинг бирнеча шаҳарларида телевизион театрлар қурилади. Бундай театрнинг биринчиси Москвадаги «Эрмитаж» кинотеатри биносида ускуналанди, ундаги экраннинг ҳажми 3×4метр. Катта экранда телевизион кўрсатиш ва эшитдириш устида ўтказилган тажрибанинг муваффақиятли натижа берганлиги марказий телевизион зонада жойлашган қишлоқларда, курортларда, ишчилар посёлкаларида ва бошқа жойларда ҳам телевизион театрлар қуриш мумкинлигини кўрсатади.

Савол: Тошкент телевизион маркази қандай бўлади?

Жавоб: Республикамиз пойтахтида қурилаётган бу телевизион маркази мамлакатимиздаги энг яхши телевизион студиялардан бири бўлади. Чунки бу ерда телевизион эшитдиришлар сифатини анча яхшилашни та'минлайдиган 1-нчи класс аппаратураларга эга бўлган ускуналар ўрнатилади. 325 квадрат метр майдонни эгаллайдиган асосий студияда кўп кишн иштирок этадиган концертлар, опера ва балет спектакльлари кўрсатилади. Кичик студиядан эса кинофильмлар кўрсатиш блан бирга доклад ва лекциялар олиб эшитдирилади, диапозитивлар намойиш қилинади, солистларнинг чиқишлари ушштирилади.

Телевизион марказида завод-фабрикаларнинг цехларидан, театрларидан, клуб, майдон ва стадионлардан олиб эшитдириш учун кўчма телевизион станция ҳам бўлади. Бу станциялар махсус тарзда ускуналанган иккита катта автобусга жойлаштирилади. Кўчма станция бўлаётган воқиани (иш, спорт ўйини, намойиш ёки концертни) телевизион маркази орқали ҳамма обонентларга узатади.

Шунингдек телевизион марказдан ультра қисқа тўлқинли узатучи аппаратлар воситаси блан икки программада эшитдириш ҳам олиб борилади.

Тошкент телевизион маркази 70—80 километр узоқлиқда жойлашган обонентларга хизмат қилади, я'ни Тошкентлилар блан бир қаторда Чирчиқ, Янгийўл, ҳамда областимиздаги бошқа бирқанча шаҳар ва қишлоқлардаги меҳнаткашлар ҳам телевизион марказдан фойдаланоаладилар. Тошкент телевизион эшитдиришини Олмалиқ, Бекобод Оҳангарон, Мирзачўл каби Тошкентдан анча узоққа жойлаштан шаҳар ва қишлоқларда қабул қилиш учун мазкур жойларда ретрансляцион станциялар қурилади. Тошкентдан қабул қилинган эшитдиришни 8—10 километр радиусдаги масофага ретрансляция қилиш мумкин бўлади.

Савол: Тошкент телевизион маркази қурилиши қандай кетаяпти, битай деб қолдими?

Жавоб: Бу телевизион марказни «Ташгорстройтрест»нинг 2-нчи қурилиш бошқармаси қураяпти. Монтаж ишларини бажариш учун Сталинск ва Днепродзержинск шаҳарларида ёмна печьларини, Москвада қурилган гигант бинолар конструкцияларини монтаж қилишда тажриба ортдирган ўртоқ Ветров бошчилигидаги бригада жалб этилди. Бинокорлар телевизион маркази биносини қуриб битказдилар. Ҳозир бу бинонинг ички қисмидаги айрим чала ишлар тугалланмоқда. Яқин кунлар ичида ускуналарни монтаж қилиш бошланади.

Агар саноат корхоналари бу об'ектга зарур бўладиган ускуналарни ўз вақтида етказиб берсалар, шу йилнинг охиригача телевизион маркази ишга туширилади.

Савол: Телевиден————нинг халқ хўжалигининг турли соҳалари учун қандай аҳамияти бор?

Жавоб: Дастлаб шуни айтиш керакки, телевидение умуман техника соҳасида эришилган энг катта ютуқлардан биридир. У, халқимизнинг маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Ҳозирги пайтда телевидение совет халқи ҳаётининг ҳамма соҳаларига тобора тезроқ ва кенгроқ кириб бормоқда. Унинг катта аҳамиятга эга эканлигини қуйидаги мисол блан кўрсатиш мумкин. Автомат-заводда поток линиясининг мас'улиятли жойларга ўрнатилган установкаларнинг қандай ишлаётганлигини инженер кабинетда ўрнатилган телевизион экран воситаси блан кузатиб туриши мумкин. Бош инженер металл эритмасининг қолипига қуйилишидан тортиб, то тайёр маҳсулот шаклига киритилиб, упаковка қилингунча бўлган ҳамма процессни кабинетда ўтирган жойида кузатиб борса қандай яхши! Шунингдек темир йўл диспетчерлигида телефон станцияларида (ҳар икки гаплашучи бир-бирини кўриб туради) ҳам телевиденіени қўллаш мумкин.

Айниқса телевидение фанни янада тараққий этдиришда катта роль ўйнайди. Яқинда Мурманск кўчма денгиз балиқчилик хўжалиги ва океанография илмий-тэкшириш институтининг илмий ходимлари шимолий қутбнинг бир чеккасида сувости телевизорини синовдан ўтказдилар. Бу установка СССР фанлар академияси океанология институтининг денгиз электроникаси лабораторияси коллективи томонидан ишлаб чиқилди. Сув ости телевизори денгиз тубидаги жониворлар, ўсимликлар ва тошларнинг ҳолатини кабель орқали юқорида айнан акс этдиради.

Умуман олганда яқин йиллар ичида халқ хўжалигининг телевидение тадбиқ этилмаган биронта ҳам соҳаси қолмайди. Чунки телевидение кишн меҳнатини енгиллаштиради.

«СОЮЗПЕЧАТЬ» КИОСКАЛАРИ ҚУПАЙМОҚДА

«Союзпечать» область ва шаҳар бўлими аҳолининг кун сайин ортиб бораётган маданий талабларини қондириш учун ўтган йили бирқанча тадбирларни амалга оширди. Областьнинг аҳоли зич жойлашган район ва шаҳар марказларида газета ва журналлар блан чакана савдо қилучи 60 дан ортиқ киоска ташкил қилинди. Бу йил эса марказий, область ва шаҳар газеталарига ҳамда Иттифоқ-республика журналларига обуна бўлиш ўтган йилдагига нисбатан 20 процентга ошди. Шунинг учун аҳолини газета ва журналларга нисбатан ортиб бораётган талабларини қондириш мақсадида бирқанча киосклар ташкил қилинди. Бу киосклар аҳолига газета ва журналларни ўз вақтида етказиб турипти.

Ҳозир шаҳарда 19 та штатсиз киоска мунтазам равишда газета ва журналлар блан чакана савдо қилиб турипти, «Союзпечать»нинг Троицк дам олиш уйидаги филиали ҳам дам олучи меҳнаткашларни газета ва журналлар блан етарли миқдорда та'минламоқда.

М. ЗИЁМУХАМЕДОВА.

Норвегия ма'мурларининг совет балиқчиларини ушлаб олганликлари масаласига доир

Норвегия денгизида Норвегия соқчи кемалари денгизда сельд балиғи овлаб юрган бирнеча совет балиқчи кемаларини ушлаб қолганликлари тўғрисида хабар қилиб ўтилган эди. Ушлаб қолинган совет кемаларининг капитанлари устига Норвегия балиқ овлаш зонасининг чегараларини бузиш айби қўйилган.

1 февральда Норвегиянинг Москвадаги элчихонаси СССР Ташқи ишлар министрлигига нота юбориб, 13 та совет балиқчи кемаси Норвегия қиргоғига яқин жойда Норвегиянинг балиқ овлайдиган зонаси доирасида қонунга хилоф равишда балиқ овлаганликлари учун ушлаб қолинганликларини хабар қилади ва Норвегия ҳукумати Норвегия балиқ овлаш чегараси бузилганлиги учун норозилик билдиради. дейилади.

4 февральда СССР Ташқи ишлар министрлиги Норвегия Элчихонасига жавоб нотаси юборди. Нотада бундай дейилади: Норвегия ма'мурлари совет кемаларини ушлаб қолганликлари тўғрисида хабар қилганлари ҳолда, шу кемалар ушлаб қолинган райондаги Норвегиянинг балиқ овлаш зонасининг чегаралари тўғрисидаги ма'лумотларни келтирмаганлар. Шу блан бир вақтда Совет ма'мурларининг бирнеча совет кемаларининг капитанларидан олган ма'лумотлари шу кемалар ушлаб олинган вақтда улар Норвегиянинг балиқ овлаш зонаси чегараларидан ташқарида бўлганликларини кўрсатади. Барча совет балиқчи кемаларининг капитанларига кемаларнинг Норвегиянинг территориал сувлари доирасига ва Норвегиянинг балиқ овлаш зонасига кирмаслик тўғрисида қаттиқ кўрсатма берилганлиги ма'лум. Сўнгра нотада айтилишича, ба'зи совет кемаларининг капитанлари шу кемалар ушланган районда метеорология шароити ёмон бўлганлиги сабабли, шунингдек кемалар ушланган районда қиргоқ тузилиши Норвегия балиқ овлаш зонасининг чегараларини ҳисоблаб аниқлашни мушкуллаштирганлиги сабабли кемаларнинг турган жойини белгилашда аниқсизликка йўл қўйган бўлишлари мумкин. Шундай қилиб, мазкур ҳол совет кемаларининг Норвегиянинг территориал сувларига қасдан қирганликларини кўрсатмайди, балки совет кемаларининг турган жойини белгилашда аниқсизликка йўл қўйилиши мумкинлигини кўрсатади, шу сабабли Норвегия ҳукуматининг норозилик э'лон қилиши учун асос йўқ. Нотада, Совет Иттифоқининг территориал сувларида Норвегиянинг балиқчи кемалари бирнеча марта ушлаб қолинганлиги тўғрисидаги фактлар эслатиб ўтилади ва бу ходисаларнинг моҳияти аниқланганидан кейин одатда совет ма'мурлари шу кемаларга нисбатан ҳечқандай санкция қўлланмасдан, уларни дарҳол қўйиб юборганликлари эслатиб ўтилади.

Нотанинг охирида, бу мажаро афсусланишга сазовор бўлган англашилмовчилик эканлиги, бу англашилмовчилик содир бўлган ҳодисанинг ҳақиқий вазиятлари ҳисобга олинган ҳолда Совет ва Норвегия вакиллари ўртасида ҳал қилиниши мумкинлиги кўрсатиб ўтилади ҳамда Норвегия ҳукумати ушлаб қолинган ҳамма совет балиқчи кемаларини дарҳол қўйиб юбормоқ учун зарур чораларни кўради деб умид билдирилади. (ТАСС).

СОВЕТ МЕДИЦИНА АРБОБЛАРИ ГРУППАСИ ҲИНДИСТОНГА КЕЛДИ

ДЕҲЛИ, 5 февраль. (ТАСС). «Фри пресс жорнэл» газетасининг билдиришича, совет медицина ходимлари группаси Ҳиндистонга келган. Совет медицина ходимлари Ҳиндистоннинг турли районларига борадилар ва Ҳиндистон врачлари блан ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ҳиндистонда ишлаётган мутахассислари блан учрашадилар.

Болгария Халқ Республикаси Халқ мажлисининг делегацияси Москвадан жўнаб кетди

СССР Олий Советининг таклифига мувофиқ, Совет Иттифоқида бўлган Болгария Халқ Республикаси Халқ мажлиси делегацияси 5 февральда Москвадан Киевга жўнаб кетди. Халқ мажлиси бюросининг Раиси Ф. Козовский делегацияга бошчилик қилади. Делегация Киевдан ўз ватанига жўнайди.

Болгария Халқ Республикаси ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари блан безатилган Внуково аэродромида болгарияли меҳмонларни Москва меҳнаткашларининг вакиллари, СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси А. П. Волков, СССР Олий Совети Президиумининг секретари Н. М. Пегов, СССР Министрлари С. Ф. Антонов, П. Я. Антропов, В. П. Зотов, А. К. Кортунов, А. И. Костоусов, Совет Иттифоқи маршали С. С. Бирюзов, КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари Е. А. Фурцева, СССР Олий Совети Президиуми секретарининг ўринбосари А. Ф. Горкин, СССР Олий Советининг депутатлари Ю. И. Дудин, Л. М. Леонов, К. М. Соколов, РСФСР Олий Советининг депутатлари В. Д. Калашников, И. А. Лукашев, И. Н. Попов, А. Т. Рубичев, В. Е. Семичастний, СССР Ташқи Ишлар Министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, меҳнаткашлар депутатлари Москва Совети Ижроия комитети Раисининг ўринбосари П. И. Леонов, СССР Олий Совети Президиуми Протокол бошлиғи Г. И. Фомин, СССР Олий Совети Президиумининг, СССР Ташқи Ишлар Министрлигининг мас'ул ходимлари, матбуот вакиллари кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолучилар орасида Болгария Халқ Республикасининг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси К. Т. Луканов ва Элчихона ходимлари ҳам бор эди.

Делегация бошлиғи Ф. Козовский самолётда учиб кетиш олдидан микрофон олдида нутқ сўзлаб, бундай деди:

— Қадрли ўртоқлар!

Сизлар блан хайрлашар эканмиз, парламент делегациямизни мамлакатингизга таклиф қилганлиги учун Совет Иттифоқи Олий Советига яна бир марта ташаккур изҳор қилишга ижозат бергайсиз. Бу сафар шу вақтгача бўлганидан кўра, янада кўпроқ, янада кучлироқ ташаккур изҳор қиламиз.

Болгария каби мамлакатларнинг делегациялари учун Совет Иттифоқи кўпданоқ ўз дарвозаларини очиб қўйган мамлакатдир, албатта. «Аврора»даги тўплардан биринчи ўқлар узилиши бланоқ болгар халқи Совет ҳокимиятини биринчи бўлиб табриклаган халқлардан бири бўлди ва ўша пайтдан буён совет халқининг шодлиги ва ташвишлари, туйғу ва интилишларини доим баҳам кўриб келди. Аммо, делегациямиз ўз кўзи блан кўраолган ва бевосита ҳис этаолган нарсаларни сўз блан ифода этиш қийин. Совет Иттифоқи тўғрисида кўп гапириш ва ҳикоя қилиб бериш мумкин. Аммо, биз Болгария делегатлари айниқса ҳозирги хайрлашиш пайтида қуйидагиларни айтишни истаймиз:

Совет халқи тинчликка зўр бериб интилмоқда, совет халқи тинчликни ҳормайтолмай охиригача қаттиқ туриб ҳимоя қилиш учун кат'ий қарор бергандир, совет халқининг бу ирода ва қат'ияти пўлатдек мустаҳкамдир.

Яшасин бутун дун'ёда тинчлик ва прогрессинг улуғ таянчи — Совет Иттифоқи!

Яшасин шонли ва талантли совет халқи!

Яшасин халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик!

Болгария-Совет дўстлиги мустаҳкамлансин ва абадий яшасин!

Яшасин бутун дун'ёда тинчлик! (ТАСС).

Болгариянинг Қўшма Штатларга норозилиги

СОФИЯ, 4 февраль (ТАСС). Болгария телеграф агентлиги хабар беради: кейинги вақтларда Болгария Халқ Республикаси территорияси устида фото ва радиотехника асбоблари ҳамда душманликдан иборат пропаганда материаллари ортилган ҳаво шаҳлари ғарби-ўтмоқда. Шу йил 13 январьдан 31 январьгача ҳаво ҳужумидан мудофаа кунлари Болгария территорияси устида учаётган кўпгина шарларни уриб туширди.

Катта ҳажмдаги бу шарларга бирнеча юз килограмм юк ортилган. Шарларда фотокамера, радиопередатчик, радиоприемник ва радиозонд бор. Уриб туширилган шарларнинг детальларида ва асбобларида «УСА» деган марка кўриниб турибди. Бу эса, шу шарлар ва уларнинг асбоблари Америкада ишлаб чиқарилганлигидан далолат беради.

Шарларнинг учиб бораётган томони ва уларга ортилган асбоблар бу шарларнинг Ғарбий Германиядан учириб юборилаётган ва Болгария Халқ Республикаси территорияси устида разведка ўтказиш учун белгиланган шарлар эканлигини кўрсатади. Бу шарларнинг кўп бўлиши Болгария территорияси устида самолётларнинг нормал қатнови учун жиддий хавф туғдирмоқда.

Бу ҳилдаги шарларни Болгария территориясига юбориш ҳаво транспорти тўғрисидаги халқаро конвенцияларни кўпол равишда бузишдан иборат нодўстлик актининг ўзидир. Бу блан Болгария Халқ Республикаси осмонининг дахлсизлиги бузилмоқда ва унинг гражданлари хавф остида қолдирилмоқда.

Бу ҳусусда Болгария Халқ Республикаси ҳукуматининг топшириғи блан ташқи ишлар министрлиги Швейцариянинг Софиядаги миссияси орқали АҚШ ҳукуматига норозилик хати ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош секретарига мактуб юборди. Бу мактубда, бу ҳилдаги ҳаракатлар халқаро ҳамкорлик принципларига ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставига биноан, АҚШ ҳукуматининг ўз зиммасига олган мажбуриятларига тўғри келмайдиган иш эканлиги кўрсатиб ўтилди.

ЯПОН ИШЧИЛАРИНИНГ ЗАБАСТОВКА КУРАШИ

ПЕКИН, 4 февраль. (ТАСС). Токио радиоси хабар беради: Иокогама шаҳридаги кемасозлик корхоналари, Кавасаки, Оми ва бошқа шаҳарлардаги заводлар ишчиларининг касаба союзлари (бу касаба союзлар «Мицубиси нихон дзюко» компанияси ишчилар касаба союзлари федерациясига киради) ишчиларни ишдан бўшатишга қарши норозилик юзасидан забастовка э'лон қилдилар.

БИРМАДА СОВЕТ АРТИСТЛАРИНИНГ КОНЦЕРТЛАРИ

РАНГУН, 5 февраль. (ТАСС). Бирма маданият министрлигининг таклифига мувофиқ Бирмага келган ўзбек артистлари кеча Мандалайга учиб кетиш олдидан Рангунда сўнгги марта концерт қўйиб бердилар. Концертда ҳозир бўлган кишилар орасида Бирма бош министри У Ну ва СССРнинг Бирмадаги Элчиси А. Д. Шчиборин ҳам бор эди.

Тамошабинлар совет артистларининг концертини самимий қутиб олдилар. СССР халқ артисткаси Халима Носирова ва Ўзбекистон ССР халқ артисти Отаниёзовларнинг чиқишлари айниқса катта муваффақият қозонди. Улар Бирма тилида бирқанча қўшиқларни айтдилар.

Концертдан кейин бош министр У Ну совет артистларининг концерти учун уларга ташаккур билдирди ва гулдасталар тақдим этди.

Бугун совет артистлари Бирмада катталиги жиҳатидан иккинчи ўринда турган Мандалай шаҳрига учиб кетдилар. Улар бу шаҳарда ҳам бирнеча концерт қўйиб берадилар.

Редактор ўринбосари
М. ҚОРИЕВ.

МИСР

САВОЛЛАРГА ЖАВОБ

Газетхонлардан Каримов Қ. (Чиноз районя), Илҳомова Т. (Ўртасарой районы) ва Қаюмов Ш. (Тошкент шаҳря) ўртоқлар редакциямизга хат ёзиб, Миср тўғрисида ма'лумот беришни сўраганлар. Қуйида биз шу ўртоқларга жавоб қайтардик.

Энг йирик араб мамлакати бўлган Миср Африканинг шарқи-шимолида жойлашган. Унинг территорияси 994 минг квадрат километрдир. Миср территориясининг 96 процентдан кўпроғи (Ливия ва Арабистон) даштликдан ёки тоғлиқ районлардан иборат.

Мисрда 23 миллион киши яшайди. Аҳолининг 90 процентидан кўпроғини маҳаллий миллат кишилари, я'ни мисрлилар ташкил этади. Улар энг қадимги миср халқининг авлодларидир.

Миср аграр мамлакатдир. Миср аҳолиси асосан қишлоқ хўжалиги блан шуғулланади. Мамлакат қишлоқ хўжалигининг асосий тормогини пахтачилик ташкил қилади. Мамлакатда ишланадиган майдоннинг учдан бир қисмига пахта экилади. Бундан ташқари, маккажўхори, буғдой, шоли, арпа ва шакарқамиш етиштирилади.

Саноатни ривожлантириш даражасига кўра Миср бошқа араб мамлакатларидан анча олдинги ўринда туради. Бироқ шунга қарамай, Миср саноати умуман олганда жуда заиф ривожлангандир. Саноатнинг бошқа тармоқларига нисбатан тўқимачилик саноати ва кон саноати бирмунча тараққий этган. Миср қанд ва тамаки ишлаб чиқарадиган корхоналар бор, шунингдек тегирмон саноати ҳам анча ривож топган.

Қоҳира, Александрия, Порт-Саид, Танта, Суэц — мамлакатнинг энг йирик шаҳарларидир. Қоҳирада икки миллиондан кўпроқ аҳоли яшайди. Мамлакатнинг маданий марказлари бўлган Қоҳира блан Александрияда кўпгина олий ўқув юртлари жойлашган.

Тарихда Миср энг кучли давлатлардан бири ҳисобланар эди. Бироқ, узлуксиз давом этган урушлар ҳамда четел босқинчилари ўтказиб келган зулм натижасида бу давлат анча заифлашиб қолди. Ўртаер денгизи соҳилидаги галлакор ўлка бўлган ана шу мамлакат аста-секин қолоқ, мустамлака мамлакатга айланиб борди.

Четел босқинчилари Мисрга бирнеча марта бостириб киргиилар. 1517 йилда мамлакат турклар томонидан босиб олинди ва уч аср мобайнида Оттоман империясининг бир қисми бўлиб келди. 1798 — 1801 йиллар давомида Наполеон қўшинлари Мисрга ҳужум қилиб турди. Ўтган асрнинг 70-нчи йиллари охирига келиб Англия, шунингдек Франция ва Италия империалистлари Мисрда ўзларининг иқтисодий ва сиёсий ҳукмронликларини ўрнатдилар.

Миср халқи четел босқинчилари олдида тиз чўкишдан бош тортди ва мамлакатда миллий озодлик ҳаракатларини кучайтириб юборди. 1882 йилда «Миср — мисрлилариики» деган шиор остида жуда катта озодлик ҳаракати бошланди. Арабпошша раҳбарлигидаги бу ҳаракатни бостириш учун Англия Мисрга ўз қўшинларини юборди. Натижада озодлик ҳаракати шафқатсиз равишда бостирилди ва Англия қўшинлари Қоҳирани эгалладилар. Шундай қилиб, Англия Мисрни босиб олди ва мамлакатда 72 йил ҳукмронлик қилди. Бироқ шунга қарамай, миср халқи ўз золимлари олдида бўйин эгмади, ўз миллий мустақиллигини тиклаш учун курашни асло сусайтирмади.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг мамлакатда янги давр, я'ни миллий озодлик ҳаракатларининг ривожланиш даври бошланди. Ана шундай бир вақтда миллионларча миср деҳқонларининг ер учун бўлган кураши ҳам авж олиб кетди.

Деҳқонларнинг аҳволи ниҳоятда оғир эди. Деҳқонлар оммасининг 94 проценти жуда оз ерга эга эди ёки бутунлай ерсиз эди. Ернинг жуда катта қисми король, сарой амалдорлари ва йирик ер эгалари қўлида эди. Меҳнаткаш халқ ҳисобига яшаб келган бу текинхўрлар четел капиталининг содиқ малайлари бўлгани ҳолда, мамлакатни асоратга солишда империалистларга ҳартомонлама ёрдам бериб келдилар. Шунинг учун ҳам миср халқининг мустамлакачилик зулмига қарши олиб борган миллий-озодлик ҳаракати мамлакатдаги монархияга ҳамда феодалларга қарши олиб борилган ҳаракат блан бирга қўшилиб чамбарчас боғланиб кетди.

Халқ оммасининг мустаҳкам иродаси армиядаги офицерларга жуда кучли та'сир кўрсатди. 1952 йил 23 июльда Миср армиясининг бир группа офицерлари мамлакатдаги монархия режимига қарши чиқдилар ва уни ағдариб ташлашга муваффақ бўлдилар. Миср короли Форуҳ тахтдан туширилиб, мамлакатдан сургун қилинди. Сўнгра «Раҳбар революцион Совет» деб аталган Совет ташкил қилинди. «Раҳбар революцион Совет» Мисрни кейинчалик республика деб э'лон қилди.

1952 йил сентябрида «Раҳбар революцион Совет» томонидан тузилган ҳукумат аграр реформа тўғрисида қонун чиқарди. Бу қонунда помешчиклар қўлидаги 200 федандан (84 гектар) кўп бўлган ортиқча ерларнинг ҳаммасини деҳқонларга (ер ҳақини бирнеча муддат ичида тўлаш шарти блан) бўлиб бериш, шунингдек ижара ҳақини бирмунча қамайтириш назарда тутилган эди.

Миср ҳукуматининг ҳозирги бош министри Жамол Абдул Носирнинг нутқларида баён қилиб берилган иқтисодий тадбирлар тўғрисидаги программада аграр реформа блан бир қаторда саноат қурилишини кенгайтириш, электр энергияси олиш ва ирригация тормоқлари учун сув ресурсларидан фойдаланиш, ташқи савдони ривожлантириш ва бошқа бирқанча муҳим масалалар назарда тутилгандир. Халқ турмуши ва фаровонлигини яхшилашга қаратилган ана шу тадбирларнинг ҳаммасини халқ оммаси зўр самимият блан қизғин қўллаб-қувватлаб чиқмоқда.

Кейинги вақтларда Миср ҳукуматининг ташқи сиёсатида жиддий ўзгаришлар рўй берди. Миср Совет Иттифоқи, Хитой Халқ Республикаси ҳамда Европа ва Осиёдаги халқ демократияси мамлакатлари блан ўзининг савдо-сотиқ алоқаларини кенгайтириб бормоқда.

Халқ Хитойи блан ўрнатилган савдо-сотиқ муносабатлари Миср экономикасига баракали та'сир кўрсатмоқда. Миср молия министрининг айтишига қараганда, Хитойнинг 1955 йил июльда Мисрдан жуда кўп миқдорда пахта сотиб олганлиги Мисрни молия соҳасида қийин аҳволга тушиб қолиш хавфидан қутқарган. 1955 йил августида эса Хитой блан Миср ўртасида кенг савдо-сотиқ муносабатларини ўрнатиш тўғрисида шартнома имзоланди. Сўнгги йиллар ичида Совет Иттифоқи блан Миср ўртасида тузилган савдо битимлари Мисрнинг СССР блан ҳамкорлигини анча кенгайтирди. Совет Иттифоқи блан Миср ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тенг-ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик негизида ривожланиб бормоқда. 1955 йил сентябрь ойида имзоланган Совет-Миср савдо шартномасига кўра, Совет Иттифоқи Мисрдан 60 минг тонна гурунч сотиб олади. Бунинг эвазига СССР Мисрга 500 минг тонна нефть етказиб беради.

Совет ҳукумати блан Миср ўртасидаги маданий алоқалар ҳам кейинги вақтларда анча мустаҳкамланди. 1955 йил охирида мамлакатимизга, шу жумладан Ўзбекистонга Миср врачлари ва журналистлари делегациялари келган эди.

Миср ҳукуматининг ташқи сиёсат соҳасида тутган йўли бутун дун'ёда тинчликни сақлашга ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилгандир. Миср ҳукумати Бандунгда ўтказилган конференциянинг актив қатнашчиларидан бири бўлди. Конференция ишларида қатнашган Миср бош министри Носир конференцияда нутқ сўзлаб, қуролсизланиш ва қуролярогларни камайтириш, атом қуролини тақиқлаш тўғрисида гапирди, «зўравонлик» сиёсатини қаттиқ қоралади.

Миср ҳукумати Ғарб давлатлари томонидан Яқин ва Ўрта Шарқда вужудга келтирилаётган турли ҳарбий блокларга қатнашишдан ўзининг бош тортганлигини расмий равишда э'лон қилди. Мисрнинг халқаро майдондаги обрўси унинг ташқи сиёсатда тутган мавқи'ига қараб анча ўсди. Бош министр Жамол Абдул Носирнинг шу йил кўкламида Совет ҳукуматининг таклифига биноан Совет Иттифоқига келиши СССР блан Миср халқлари ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилишига ёрдам беради.

Совет кишилари миср халқининг бахтли-саодатли бўлишини, яйраб-яшнашини, унинг миллий мустақиллиги янада мустаҳкамланишини астойдил истайдилар ва миср халқига тинчлик учун курашда янгидан-янги муваффақиятлар тилайдилар.

Б. ИТКИН.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 7/II да **Қутлуғ қон**, 8/II да **Бой ила хизматчи.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 7/II да **Кармен**, 8/II да **Травната.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 8/II да **Сингиллар қиссаси.**

«РОДИНА», «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН» кинотеатрларида (кундуз ва кечқурун). НАВОИЙ номли кинотеатрда (кундуз соат 12 дан). «ЁШ ГВАРДИЯ»да (кечқурун) — янги бадиий фильм **Ёт қариндошлар.**

НАВОИЙ номли кинотеатрда — кундуз **Педагогик поэма.**

«РОДИНА»да — эрталаб соат 11 ва кундуз 1 да **Максимка.**

«БОЛЬШЕВИК» АРТЕЛИГА

доимий ишлаш учун: **пар қозонларга кочегарлар**

КЕРАК

Иш ҳақи ўзаро келишилади.

Ҳархил тунукасозлик ишларига ташкилотлардан заказлар қабул қилинади. Бу заказлар буюртмачи материалидан бажарилади ва пули перечисление тартибида тўланади.

Адрес: Тошкент шаҳар, Оренбургская кўча, 48-нчи уй.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

8 февральда

ҚИЗИҚЧИЛАР КЕЧАСИ

СОВЕТ ЦИРКИ УСТАЛАРИ

иштироки блан

КАТТА ТАМОШАЛАР.

Тамоша кеч соат 8 да бошланади.

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

Ўзбек ашула ва рақс ансамблининг халқ чолғу асбоблари оркестрида

чанг, қашқар рубоби, афғон рубоби, сурнай, гижжак, баян ҳозирда

ВАКАНТ МУЗИКАЧИЛАР ВАЗИФАСИДА ИШЛАШ УЧУН КОНКУРС Э'ЛОН ҚИЛАДИ

Аризалар филармония дирекциясида қабул қилинади.

Адрес: Тошкент шаҳар, «Правда Востока» кўчаси, 10-нчи уй. Телефон 34-643.

Қорасув район, Қўйлиқ қишлоқ совети, Оқуй кўча, 258-нчи уйда туручи **Тўлаган Турдалиевнинг** Қорасув район, «18 партс'езд» колхозида туручи Лазиза Турдалиевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область, Қорасув район, 2-нчи участка халқ судида кўрилади.

Оржоникидзе район, Қибрай қишлоқ совети, Оржоникидзе кўчаси, 22-нчи уйда туручи **Еқуб Исроиловнинг** шу уйда туручи Тўхта Едгорова-Исроиловдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область Оржоникидзе район халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. **РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:** коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 39040 Саноат ва транспорт бўлими — 132. Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34048. Э'лонлар бўлими — 38142.

Р. 00637. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № — 1367.